


ПРЕЗИДЕНТ ХУЗУРИДА ҚАБУЛ



4 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов АҚШнинг «Сикорски эйркрафт» компанияси президенти ва ижрочи директори Ожин Баки ҳамда «Юнайтед техноложиз» корпорациясининг салоҳиятини яхши биламиз, — деди Президент. — 1996 йили АҚШга сафаримиз чоғида бу компания фаолияти билан яқиндан танишган эдик. Уйлайманки, мазкур ташриф «Сикорски эйркрафт»ни яна ҳам яқинроқ билиш учун имкон беради.

«Юнайтед техноложиз» АҚШнинг етакчи саноат корпорацияларидан бирidir. Унинг таркибига «Сикорски эйркрафт», «Парт энд эйркрафт», «Отис», «Карьер», «Гамелтон стандарт», «ЮТ автоматив» каби йирик компаниялар ки-

лади. «Сикорски эйркрафт» эса савдо-сотиқ, саноат ҳамда замонавий вертолётлар ишлаб чиқариш соҳалари бўйича жаҳонда етакчи ўринда туради.

— Биз «Сикорски эйркрафт» компаниясининг салоҳиятини яхши биламиз, — деди Президент. — 1996 йили АҚШга сафаримиз чоғида бу компания фаолияти билан яқиндан танишган эдик. Уйлайманки, мазкур ташриф «Сикорски эйркрафт»ни яна ҳам яқинроқ билиш учун имкон беради.

Суҳбат чоғида Ўзбекистондаги турдош қоржонлар билан Америка компания-

лари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У. Исmoilов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ганиев иштирок этди.

Қабул маросимида АҚШнинг Ўзбекистондаги Факултода ва мухтор элчиси Ж. Пресел ҳозир бўлди.

СУРАТДА: қабул пайти.
А. ТУРАЕВ (ЎЗА) олган сура

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси 1998 йил 5 май, сешанба № 53 (22.290). Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ХИЗМАТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

ҚОНУНЛАРИМИЗ ДЕХҚОН МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Хурматли халқ ноиблари!
Авалло мана шу фурсатдан фойдаланиб, ҳозир қабул қилинган қонунларнинг шундай катта ҳурмат, катта қизиқиш билан муҳокама қилинганда мамуният изхор этмоқчиман. Чунки шу қонунларнинг моҳиятига ҳар томонлама етиб бориб, сиз депутатларнинг ва сиз орқали жамоатчилигимиз, айниқса қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг бу масалага муносабатини инобатга олак, уларнинг ўз вақтида қабул қилинганини яна бир бор таъкидлаш зарур.

Мен бу ҳолни мазкур ҳужжатларнинг ҳаётимизни ўзгартиришда, керак бўлса, тақдиримизни ҳал қиладиган масалаларни ечишда жуда катта аҳамиятга эгалигининг яна бир яққол тасдиғи деб биламан. Шу ўринда бир нарсага эътибор бердим. Бу тўртта қонунни, яъни Ер Кодексини, Қишлоқ ҳўжалиги ширкати, Фермер ҳўжалиги, Деҳқон ҳўжалиги тўғрисидаги қонунларни қабул қилаётганда биринчи даражада қарши овоз бергани йўқ. Бу ҳам мен ҳозиргина айтган гапингиз далили. Сизлар ҳам шу масалаларни жойларда муҳокама қилаётганда, уларнинг буғунги ҳўжалигимизда аҳамиятини чуқур англаб, мана шу қарорларни ўз вақтида қабул қилиётганимизни яхши ҳис этганингизнинг далолати десак, хато бўлмайди.

Умуман айтганда, бу қарорлар тўртта муҳим масалани ечади. Биринчи масала — бу қишлоқ ҳўжалигида мулк масаласидир.

Иккинчи масала — деҳқонларнинг, қишлоқ ҳўжалигида ишловчиларнинг мулкка эгаллик ҳиссини шакллантириш, мустақамлаш масаласи.

Учинчи масала — бу қонунлар орқали қишлоқ жойларда, керак бўлса, бутун иқтисодимизда бу борадаги ишларни мутлақо янги асосда ташкил этиш, бутун замон талаб қилаётган услубларга ўтатириш.

Тўртинчи, энг муҳим масала, мен алоҳида ургу бериб айтмоқчиманки, бу қонунлар Ўзбекистонда янги синф, янги тоифа — мулк эгалари пайдо бўлишига мустақам ҳуқуқий асос бўлади.

Ана шу масалаларнинг ҳаётимизда аҳамиятини англаб, уйлайманки, биз жуда катта иш қилган бўламиз. Лекин ҳозирда қилган ишимиз — бу борада қилиниши зарур бўлган ишларнинг фақатгина 50 фоизидир.

Яна тақдор айтаман, бу ишнинг ярми, ҳолос. Бунда мен нимани назарда тулганман? Кимки, мана, қонунларни қабул қилдик, эртага қишлоқ ҳўжалиги соҳасида мутлақо бошқача ҳаёт бошланади, эртага ўз-ўзидан ишимиз бошқача ташкил қилинади, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида бошқача услуб ишлатилади, деб ўйласа, бу жуда катта хато бўлади. Агарки қонунларда кўзда тутилган мақсадларга эришмоқчи бўлсак, авваламбор ташкилий ишларни — бу қонунларни ҳаётга татбиқ этиш ишларини қатъий билан амалга оширишимиз керак. Агар эрта, бу бизнинг тажрибамизда бор, тарихимизда бор, мана энди қонун қабул қилинди, деб кампаньячиликни бошлашсақ, виллоятларда, туманларда кечяги колхозларни тезлик билан ширкат ҳўжалигига айлантириш, тузиш масаласида мунобақага ўтиб кетсак, бу ҳозир қабул қилинган қарорларни бутунлай обрўсулантирадиган қадам бўлади.

Тақдор айтаман: агар биз шунисини, пала-партиш иш тутиб, масалани у ёқ-бу ёқини чуқур ўйламасдан, етарли шароит ташкил қилмасдан, ташкилий масалаларни ечмасдан ширкат ҳўжаликларини тузишга ўтсак, мен яна бир бор сизларга қарата, сиз орқали бутун халқимизга, деҳқонларимизга қарата айтмоқчиман, бу мутлақо нотўғри, аҳмоқона иш бўлади. Фикримча, мана шу масалаларни ечиш учун баъзи бир муҳим шартларга эътибор бериш керак. Бу шартлар нимадан иборат?

Биринчи шарт шундан иборатки, мана шу қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилганда, жойлардан жуда кўп хатлар, тавсиялар, одамлар ўз муносабатини билдирган изоҳлар, маърузачи таъкидлашга, унинг миндан ортиқ тақлиф тўшиди. Шу масала телевидениеда муҳокама қилинаётганда мен шунга эътибор бердимки, жойлардан деҳқонлар кўнжирок қилиб шу масалаларга қизиқиш билдирди. Баъзи бир моддаларни тушуниш, англаш бўйича бирор саволлар беришди. Бу ҳам одамларнинг шу қарорларни кутганини билдиради. Демак, агар биз мана шу қонунларни амалга оширмоқчи бўлсак, самарасини қўрмоқчи бўлсак, жойларда уларни тарғибот қилиш ишларини яхши йўлга қўйишимиз лозим. Авваламбор, муҳим қонун бўлиши «Ер Кодексини, нафақат деҳқонлар, мана шу ерга алоқаси бўлган амалдорлар, балки мана шу масалани ечадиган барча мутахассисларга мазкур қонунларнинг асосий талабларини, моҳиятини етказишимиз керак. Токи бу қонунлар бизга нима беради, деган масала ҳар бир одамнинг онгига етиб бориши.

Иккинчи шарт шундан иборатки, ишни шу қонунлар асосида ташкил қилмоқчи бўлсак, жойларда

ишлайдиган, маҳсулот етказиб берадиган, қадқўқлар билан бизларни боқадиган деҳқон қонунини жорий этишда албатта катнашиши, ўз фикрини билдириши керак. Топадан туриб қўрсатма бериш билан иш битмайди. Ҳўжалик тақдирини фақат раҳбарлар, бригадирлар, звено бошлиқлари; мутахассисларни тўлаб, тор даврада ҳал этсак, қарор қабул қилсак, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги илохотларимизни бутунлай йўққа чиқарган бўламиз.

Яна тақдорлайман: **ислохот жараёнида оддий деҳқон албатта катнашиши, масалалар моҳиятини чуқур англаб, бу тадбирлар эртага унинг ҳаётига, оиласи, хонадонига нима беришини аниқ билиши шарт. Мулк шаклини ўзгартириш мунобақага айланиши керак.**

Яна бир муҳим масала. Ер ҳақми, сифати, нуфузи, шароити турлича бўлган виллоятларда ягона мезон билан ёндошсак, қош қўяман деб кўз чиқармаймизми? Пайчиларга дивиденд бермоқчи бўламиз. Эрта ширкат ҳўжалигига айландиган жамоа ҳўжалиги бойлигини қандай аниқлаймиз? Ҳўжаликнинг асосий бойлиги нима? Ер ва ерга ишлов берадиган ускуналар, тракторлар, бошқа техника турлари, иморатлар ва шунга ўхшаган қурилишлар. Амортизацияга қараб техника баҳосини белгилаш мумкин, лекин ернинг баҳосини қандай аниқлаймиз? Андиқонда ер қанча туради-ю, Сурхон ва Қашқадарё воҳасида қанча? Нафақат ер баҳоси, нафақат ер унумдорлиги, ер бонитети, балки бу ёқда одамлар нечоғли зич яшаётганини ҳисобга олган ҳолда, одамларга ер бўлиб беришда қандай мейёрларга амал қилиш керак? Буни алоҳида инобатга олмасдан қонунни ҳаётга татбиқ қилиб бўлмайди, деб ўйлайман.

Ер Кодексини қабул қилдик, ер кадастрини эртага тасдиқлаймиз. Лекин бу қонунларда қўрсатилган, белгиланган талаб ва шартларнинг бажарилишини ким назорат қилади? Ер кадастри устидан назорат қилувчи, унинг талабларини амалга оширувчи, сўраб-суриштирувчи, пайдо бўлаётган масалаларни ҳолисона ҳал қилувчи, жамоатчилигимиз эътиборини шунга жалб қилувчи маъсуллик махсус бир ташкилот — қўмита керак. Яъни, ер умумий бойлигимиз экан, умумий бойлик устидан назорат қилувчи орган керак.

Деҳқон ҳўжаликларини тўғрисида алоҳида тўхталмоқчиман. Деҳқон ҳўжалиги нима асосда, қандай заминда пайдо бўлган? Авваламбор, томоқлар заминда. Бу масала бўйича ҳозир қабул қилган қонунимизда деҳқон ҳўжаликларини бўйича янги имтиёзлар белгилаб берилган. Лекин бу имтиёз ва имкониятларни амалга оширишда ҳар бир виллоят, ҳар бир туманда керакли шарт-шароит борми-йўқми, буни ҳам тўғри тушуниб ҳал қилишимиз керак.

Бу масалани ечишда ҳамма жойда авваламбор адолат бўлиши керак. Ер ажратилганда бир деҳқон ҳўжалигига 35 сотих, биттасига, айтайлик, 15 сотих бериш ва учинчисига ҳеч нарса бермаслик — бу адолатли бўлиши дегани. Эртага норозилик келтириб чиқарадиган қарор ва тадбирлар бизга керак эмас. Шу сабабли бу масалаларни ҳар томонлама, пухта ўйлаб қўришимиз керак.

Деҳқон ҳўжалигининг асосий мақсади, манфаати, аҳамияти шундан иборатки, деҳқон ҳўжалиги эртага маҳсулот — товар чиқарадиган бўлса, яъни ўз маҳсулотини бозорга олиб чиқадиган бўлса, шу масалада давлатнинг юқини енгил қилади. Деҳқон ҳўжалиги ўзини-ўзи боққан тақдирда ҳам бундай ҳўжаликларнинг афзаллигини қадрлашимиз ва қўллашимиз даркор. Шу билан бирга, бутун деҳқон ҳўжалигини қонунлаштириб, эртага унинг ағаси нафақа олиши, пенсия олиши учун имконият яратилиши. Шу тадбир, йўллар билан ишисизликнинг олдини олишимиз. Бунга ҳам тарғибот қилишимиз, халқимизга тушуништиришимиз керак.

Шундай қилишимиз кераки, келажаги йўқ самара бермайдиган, инкирозда дуч бўлган колхозларни тарқатиб юбориб, ерли одамларга бўлиб беришимиз керак. Ҳўжалик юритишининг мана шу услубига ҳам йўл очиб берайлик. Барака топқур, ишсиз юрибсанми, мана сенга томоққа, мана сенга қонун. Қонун асосида томоққа олдинги, деҳқон ҳўжалигини ташкил қил, бори рўйхатдан ўт, имтиёзлардан фойдалан. Қолгани ўзинга боғлиқ; ўзининг боқ, оилангн боқ, буйдоқ бўлсанг турмуш қур, фарзанд кўр, даврингни сур, бахтингни кўр. Тақдор айтаман: давлат фақат имконият туғдириб беради, у ёқ-бу ёқини ҳал қилмайди, бунга қонун дастак бўлса, йўл очилса, барча имтиёзларни ташкил қилинса, кенатта иштиёқманд одамларнинг эртага яна қан-

дай армони бўлиши мумкин?
Галими яқунлаб, тақдор айтмоқчиман: деҳқон ҳўжалиги жорий этишда қонунни қабул қилишимиз бу — фақат биринчи қадам, ҳолос. Мазкур қонун мазмун-моҳиятига қўра серкира бўлиб, жойларда — ҳар бир туман, ҳар бир виллоятда ички амалга оширишга, мақсадимизга эришамиз.

Яна бир бор таъкидлаш лозимки, муҳокама этилаётган қонунлар ҳаётимизнинг умумий қоидалари, умумий чегара-чиқиларини ўзида муҳасам этган. Бу қонунлар асосида яна янги қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилишимиз керак. Катта ҳўқуқлар бердик, энди жойларда ҳўқуқлар ташаббус қўрсатилиши. Агар ҳўқим ўзини виллоятнинг ҳаққий эгаси қилиб қўрсатса, мен шу виллоятнинг эгасиман, деса, ёмонми! Мен бунга қарши эмасман. Бу яхши аломат. Эга дегани, шу туман, шу виллоят учун, керак бўлса, жонини фидо қиламан дегани. Йўлимизга тўғроқ бўлаётган тўрт-бешта муттаҳамнинг ёқсидан олишга тайёрман, дегани.

Сизга ишонган, сизга инонган одамларни ҳўқим қилишга ўрганилган. Ҳамма ишни ўз ҳўлига ташлаб қўйиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Фидойи экансизлар, раҳбар дегани мен фақат фидойи деб биламан, халқ ичига боришлар, унинг оғирини енгил қилишлар. Қўрқунган, қийналиб қолсаларинг, ёнларингиз мен борман. Мен сиз томондан.

Кеча Москвада Ҳамдўстлик давлатларининг кенгаши бўлди. Кенгашда талай масалаларни баҳолиққудрат ечиши уриндик. Қандай масалалар қўрилгани, нимага эришимиз, умуман, Ҳамдўстлик давлатлари, бизга қўшни давлатлар, собиқ Иттифок минтақасида жойлашган халқлар билан муносабатларимиз ҳақида телевидение орқали батафсил ҳисобот беришга ҳаракат қилдик. Лекин бугун сизлар билан юзма-юз бўлиб, дийдор қўришиб, рўй-роост айтмоқчиман: **асосий ҳўқим шунки, кенгашда катта-катта ҳўқуқлар қабул қилинган бўлса ҳам, қўрилган масалалар бўйича қабул қилинган барча қарорлар биз ташлаган йўлни тўғрилигини исботлади.**

1991 йилдан бошлаб, мустақилликка эришганимиздан кейин иқтисод, сўбат соҳасидаги энг маъқул йўлни, керак бўлса, сўбатни ўтказдик, десак, мунобақа бўлмайди. Нега деганда, бир вақтлар собиқ Иттифокнинг давлат раҳбарлари орасида мустақиллик иштибоқлига ишонмаганлар кам эмасди. Афсуски, бундайлар ҳали ҳам бор. Лекин вақт ўтати, мустақиллик йўлига тутилган болаларимиз етти йўлга тўлди. Биринчи синфга борадиган еттинчи, саккинчи синфда ўқияпти. Улар «СССР» деган иборани мутлақо билишмайди.

Биз бундан хурсандимиз.

Биз ҳар хил пала-партиш ташаббусларга қўшилмадик. Бу, албатта, қиларгадир ёқмади. Биз иқтисодий ривожланишдан устун қўриб, авваламбор Ҳамдўстлик давлатлари халқларини иқтисодий асосда яқинлаштириш ва шу йўлдаги тўқнашқини олиб ташлаш тарафдорлигини экинчи ифода этдик. Фахрланамиз, катта ифтихор билан айтмоқчиманки, Ўзбекистоннинг обрўси ўсиб боряпти. Бу сўбат, бундай қараш ўз тарафдорларини топмоқда. Ҳамдўстликнинг кечаги мажлисида бизнинг барча тақлифимиз ўтди. Биринчи бор тарихимизда Ҳамдўстлик Давлатларининг Бош вазирлар кенгаши раиси қилиб Ўзбекистон Бош вазир Уткир Султонов сайланди. Албатта, амал бутун бор, эрта йўқ. Лекин биринчи раундда Ўзбекистоннинг Бош вазирини шу лавозимга сайлагани Ўзбекистон олиб бораётган сўбат, иқтисод бўйича ташлаган моделлигимиз, йўлимиз тўғри эканлигиндан ёқин далолатдир. Бунга нафақат дўстларимиз, керак бўлса, мулоҳимларимиз ҳам номлоқ тан олганларини мен кеча ўз кўзим билан кўрдим.

Азиз дўстлар!

Қабул қилган қонунларимиз, қарорларимиз аҳамиятини, сўй-ҳаракатларимиз қадрини баъзан ўзини билмаймиш. Балки бу ҳам табиий бир ҳолдир. Майли, барча хайрли ишларимизга фарзандларимиз баҳо беришлар, қадрга етсинлар. Иншооллох, шу қонунга ҳам етиб борайлик.

миздаги оддий фўқароларни, олис-олис жойларда яшаётган одамларнинг сўбатини, тушунчасини инобатга олиб шу саволларни қўндалан қўймоқчиман. Ўзи, чет мамлакатлардан сармоя келмаса, бизлар яшамимиз мумкинми? Агар чет мамлакатлардан инвестициялар келмаса, биз ўз мақсадларимизга эришимиз — буюқ давлат қўриш, фармон ҳаёт барпо этиш, буғунги энг тараққий топган давлатларга тенгласа олишимиз мумкинми, йўқми?

Бу залда ўтирганларнинг ақсарият кўнчилиги, мен ўйлайманки, юрт гамини ейдиган, эртанги кўн ҳақида қайғурадиган одамлар. Уларнинг барчаси бу саволга, албатта, ижобий жаоб беради. Четдан сармоя келмаса, четдан инвестиция келмаса, Ўзбекистон тез орада тараққий топган давлатлар даражасига чиқа олмайди.

Биз бир вақтлар мустабид тузумда, собиқ Иттифок тизимида яшаб, унинг қоидалари ва талабларига итоат қилиб, асосан хошмаш минақасига айланиб қолганимизни тақдоран одамларимизнинг эсинга солмоқчиман. Ўзбекистон деганда илгари одамларнинг тасавурида нима жонланар эди? Пахта далалари ва далаларда машаққатли меҳнат билан бақд бўлган бечора заҳматқаш деҳқонларимиз.

Бир фарзат қилинган, ўн йил олдин худди шу манзара ҳаётимизнинг асосий мазмуни эди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз шундай тез сўбат билан ривожланишга, уни тасавуру қилиш ҳам осон келмаётди. Баъзи бир юртдошларимизга буғунги эришган натижаларимиз худдики осмондан тушаётгандек, ўз-ўзидан пайдо бўлаётгандек ҳам туюлапти. Ўғиб буғунги тараққий ҳаётимизда ўз-ўзидан амалга оширилаётгандек. Гоҳ баъзи бир тақдирларимиз, айтайлик, шундай ҳаёлга ҳам бориши мумкин.

Шунинг учун шу саволларни тақдоран бериб одамларга реал ҳақиқатни эслатиш фойдадан ҳоли бўлмас, деб ўйлайман.

Яқин ўтмишда, яъни бундан ўн йил олдин Ўзбекистонни ким танидик? Биз ҳоржий мамлакатларни умуман билмасдик. Ҳоржий мамлакатлар ҳам бизни мутлақо билмасдик. Агар ўша ёқларда Ўзбекистон қаерда жойлашган, Ўзбекистон нима билан шугулланган, Ўзбекистонда қандай одамлар яшайди, халқи нима билан банд, деб сўраса, ҳаммаси битта иборани ишлатар эди. Нима эмиш, «Ўзбекистон пахта макони» эмиш. Лекин бу «пахта макони» мана шу халққа нима берди? «Пахта макони»га айланган юртимиз нафақат бутун социалистик лагерь, айтайлик, дунёнинг кўн-кўш бошқа мамлакатларига ҳам пахта етиштириб берди, бундан нима наф қўрди? Пахта Ўзбекистонда ҳўқим сўбат «пахта макони»нинг эсингизга олиниб, бундай ҳолини тижакимизга, одамлар ҳаётига салбий таъсирини олиниб. Агар ўша замонни эсласак, «пахта яққохимлиги» даврида фақат томларимизда пахта экиладик, ҳолос.

Ҳақиқатини англаш учун дунёда битта сигналлар бўлди. Солиштириш керак, қийлаш керак. Кеча ким эдик, айтайлик, нима масалада бизлар азоб-ўқубат чекканми ва буғунги ҳаётимизнинг, эртанги режаларимизнинг шундан қандай фарқи бор? Бизлар қандай қадим қўялмиш, тўғри йўлданми, йўқми, деган саволга жаоб бераётганда фақат қийлаш керак. Қўруқ ташвиқот керак эмас.

Шу нукта назардан қараганда, яна бир бор айтаман: жаҳон жамоатчилиги илгари харитадан Ўзбекистонни қўрсатишга ҳам қийналадиган бўлса, ҳозир давлатимизни бутун дунё таниб бормоқда. Ҳозир юртимизга қўллаб мамлакатлардан делегациялар келди.

Биринчи ўтган ойнинг ўзида дунёнинг манман дуган давлатлари, мисол учун, АҚШнинг энг кўза қўриган сенаторлари, конгрессменларининг қўнчилиги Ватанимизга келиб етишди. Биласизлар, матбуотда, телевидениеда Ўзбекистон Президенти фалон делегацияни қабул қилди, деб бериладиган хабар бу шунчаки қўруқ маълумот эмас. Бунинг тағдида чуқур маъно бор. Тараққий топган, дунёда катта нуфузга эга давлатларнинг раҳбарлари ва шуларнинг вакиллари Ўзбекистонга келиб ўз ҳурмати, ижозат қилиш, ўз тақлифларини билдириши, ҳамкорлик масаласига, умуман, биргалашиб ишлашга тайёр эканлиқларини оқиб қилиши — бу уларнинг Ўзбекистонни, халқимизни, бизнинг салоҳиятимизни яна бир бор эътибор этганини, тан олганини билдиради.

Шулар билан гаплашганда мен уларга, ўн йил олдин Ўзбекистонни харитадан қўрсатиб бера олармидингиз, десам, ҳақиқатини айтадиган бўлсак, йўқ, тополмасдик, дейди. Ўзбекистон деганда фақат Самарқанд, Хива ёки Бухоро қаерда бўлганлигини билардик, қолганини билмас эдик, деб ошқора айтади улар.

Мен нима демоқчиман? Айтмоқчиманки, **биз кечаги ҳаётимиздан буткул ўз кечганимиз йўқ. Умуман, тарихдан ҳеч қачон воз кечмаймиш. Тарих — бу бизларнинг, ақчид бўлса ҳам, чуқур бўлса ҳам, у биз учун ҳаётдан сабоқ ва ҳўқим қилиш учун хизмат қилади.** Шу нукта назардан қараганда кеча фақат хошмаш ва хошмаш маҳсулотларини ишлаб чиқаришга иктисоланган Ўзбекистон бугун дунё харитасида ўз муносиб ўринини эгаллашга, бошқа тараққий топган мамлакатлар, авваламбор, АҚШ, Фарбдаги демократик дав-

лати ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У. Исmoilов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ганиев иштирок этди.

Қабул маросимида АҚШнинг Ўзбекистондаги Факултода ва мухтор элчиси Ж. Пресел ҳозир бўлди.

СУРАТДА: қабул пайти.
А. ТУРАЕВ (ЎЗА) олган сура

Танлашда бўладиган Оснб Уйишларида 43 мамлакат спортчилари катнашди. «Унда спортнинг 36 тури бўйича кураш бўлади. Мамлакатимиз вакиллари спортнинг 29 турида иштирок этишди ва Оснбнинг янги рекордларини ўрнатиб, Ўзбекистон довруғини яна дунёга ёқди деган умиддаман», дейди Банқок шаҳрида миллий олимпия қўмиталари вакиллари билан бўлган йиғилишда қатнашган Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси бош директори Игорь Барабан. Дарҳақиқат, яхши ният — ярим давлат, деган гап бор. Биз ҳам юртдошларимиз галабасига ишонамиз.

Пойтахтдаги «Туркистон» саройида симфоник музика кечаси ўтказилди. Унда Ўзбекистон миллий симфоник оркестри жўрлигида фортепиано учун ёзилган мумтоз асарлар ижро этилди.

— Ўзбек ижрочилари, айниқса, ёш созанда Бехзод Абдуллаевнинг юксак маҳорати менга ўзига маънб эъти, — дейди Франциянинг мамлакатимиздаги Факултода ва мухтор элчиси Жан Клод Ринар. — 16 ёшлик пианиночининг Фарб классик музика асарларини ўзига хос жозоба билан ижро этгани, айниқса, таҳсинга лойиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 5 майдан бошлаб ҳисоб ва боқимон тўловлари учун ҳоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйдаги қийматини белгилади

1 АҚШ доллари 86 сўм 14 тийин
миқдорда белгилади.
(ЎЗА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди)

Муносабат

ЗАМИН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК

Ўзбек ерга энг кўп боғланган, заминга энг кўп меҳр қўйган яна бир халқни топши қўйин бўлса керак. Ер ўзбек учун оддий тўпуқ эмас, у — Ватан. Ота-боболарнинг пок хоки етган муқаддас макон. Фарзандлар улайиб, воғта етатган мўстабар маъво. Ҳаттоки чўл ҳам ўзбек учун янтоқ-шўрлар ўсадиган дашт эмас, киндик қони томан, ҳар хас-ҳазони азиз бўлган улкан уйдир. Дўппини қўйгудек ери бўлсин, ўзбек ўша ерга уруғ қўлайди. Қисқа мўддат сафарга чиқса-да энг аввало ерни соғинади. Замин тағфи ўзбекини етти иккидан қорлаб туради.

Ўзбек олийи тўпуқга ўз отаси ёқи фарзандига, тарихи ёқи келажагига муносабат қўригудек муомала қилади. Ер билан тиллашади, деган ибора, эҳтимол ўзбеклардан бошқа ҳеч бир халққа йўқдир. Ўзбек заминда ўз ҳаётининг ибтидоси ва иқтисодини қўради. Замин — тирик мажмуот, нафақа олаётган замин. Агар, ерга бутун шундай ўзига хос муносабат мустақил юртимизнинг қонунларида ҳам ақс этмоқда. Янги қонунларимизда ерга, тўпуққа ана шундай замонвий, илмий, ҳуқуқий ёндашув маъқул.

Кунин кеча нафақат жаҳон ватандошларимизнинг, балки бутун дунё жамоатчилигининг диққат-эътибори Тошкентга, Олий Мажлисининг XI сессиясига ўз ишнинг олиб борадиган муҳташам ва муқимий бинога қаратилди, десам янглишмайман. Чунки бу ерга халқимиз ишониб сўйлаган вакиллар миллат ва Ватан тақдирини дахлдор бўлган ўша муҳим қонунларни, ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилдилар. Бу ҳужжатларнинг ҳар бири тараққийнинг механизми бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Деҳқонларимизнинг умид ва ишончи, тадбиркорлик меҳнатининг рағбат ва қафолати, жамаитнинг муҳим иқтисодий институти — Ойланнинг ҳуқуқий асоси ўз ифодасини топган шубҳасиз ҳужжатларни бутун халқимиз манфаатларининг қалқони қўйиб қўйди.

Айтиш ўринлики, мазкур қонунлар мамлакат қишлоқ ҳўжалигида амалга ошириладиган ислохотларнинг пироваз мақсади эмас, балки мақсади еттиш йўлидаги востидир. Қонунларнинг рамзий маънода биринчи қадамлар, дейиш мумкин. Халқ ҳўжалигининг бутун соҳаларида банд бўлган ватандошларимизнинг ерга бўлган муносабати муайян тизимга аҳам қилаётган бўлди. Зотан, ерга ҳурмат — элга ҳурмат дейдилар. Ер ҳаммамизни боқайди, кийинтирадди, улайтирадди. Унга эътиборсиз бўлганларнинг ўзлари эътибордан қолди. Ер — қишлоқ ҳўжалигининг алифбоси, ердан бошланадиган янги соҳа ривож бўлган мамлакатнинг тарқатқичларидир.

Депутатларимиз қабул қилган Виллоят эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонун ҳам шу қўнларда халқимиз учун сув билан ҳаводек зарур эди. Виллоят эркинлиги мамлакатимизда энг Асосий Қонун — Конституцияга белгилаб қўйилган. Сув ва ҳавосиз яшаб бўлмаганлиги, виллоят, эътиқод, ор-номусиз ҳам яшаб бўлмайди. Миллатимизнинг бу борадаги маънавий илдиларни чуқур, Ота-боболаримиз ҳеч қачон диндан, эътиқоддан айри яшамаган. Аммо ўз эътиқоди йўлида бошқа биронининг эътиқодини менсимаслик, тўғри дин йўлида бошқаларнинг ҳаётига, эркига дахл қилиш ҳам Ота-боболаримизнинг йўлига, эътиқодига хос эмас. Дин ва эътиқод тушуначи ҳамма аждоқларимизнинг замонвий билимларини эгаллашга, илм-фаннинг энг илгор ютуқларини ўзлаштиришга, ҳалол ва пок яшашга ундаб келган. Буғунги кунда бу нарсаларни четта сўриб қўйиб, одамларимизни жаҳолат асри муҳитига тортишга уринишнинг ўзи аслида эътиқодсизликдан бошқа нарса эмас.

Юртимиз тинч, осмонимиз осулда. Халқимиз барқарор тараққий йўлидан собит қадамлар билан бормоқда. Бунинг учун эътибор этиб турибди. Ана шу барқарорлик муҳитини бузишга уриниш, одамларимизни ўртасида диний, ирқий низоуруғини сеппи айни жиноятлар. Инсониятга, тинчлик ва барқарорликка қарши қаратилган бундай ҳаракатлар ҳар бир ҳуқуқий-демократик, дунёвий давлатга муносаб жоэланган.

Она йўлида Ойла Кодексининг қабул қилиниши айниқса, алоҳида рамзий маънога эга. Жамаитимизда янада соғлом маънавий муҳит яратилди, фарзандларимизнинг келажакада етук инсонлар бўлиб етишишларида, оилаларнинг мустақам бўлишида мажкур ҳўжаз асосамин бўлиб хизмат қилади. Зеро, оилалар мустақам бўлса, давлат қўрғани ҳам мустақам бўлади.

Халқимиз Олий Мажлисининг XI сессиясига ишдан зўр мамнуният ва қониққиш ҳис этди. Сессияда Президентимиз сўзлаган нутқ, меҳнатқашларимизни янада илҳомлантиради. Мамлакатимизнинг ҳар бир фўқаросини янада рўшанлантиради. Чунки Президент Ер ва қишлоқ ҳўжалиги, Виллоят эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳамма жамаитимизнинг асоси бўлиши Ойла масаласи ҳуқуқийда ўзининг аниқ, равшан нуктадан назарини, эътиқод билан муомала, ёвузлик билан муросасиз позициясини баён этди. Яқин ва узоқ йилларга мўлжалланган ички сўбатимизнинг муҳим тамойилларини содда, дунё, ҳаётини тарзда ифодалаб берди. Юртимизга ўз қишлоқда, далада меҳнат қилиб юрган деҳқон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

латлар, Шарқдаги Япония, Корея, Малайзия ёки шунга ўхшаш давлатларга тенг бўлишни ўз олдига мақсад қилиб кўраётган, бундан биринчи гада чет эл сармоялари, чет эл инвестицияси низоҳатда катта аҳамият касб этади. Мен ҳозир тилга олиб ўтган кўпчилик давлатларнинг тарихи шунга кўрсатади, агар ҳозирги мамлакатлардан сармоя келмаса, инвестиция келмаса, ҳеч қачон бу давлатлар бугунги ривожланиш даражасига кўтарила олмаст эди.

Яқинда Европа ва Америкада бир тарихий воқеага — Маршалл планига бағишлаб катта мажлислар, турли маъражага ўтказилди. Биласизларки, Маршалл деган одам АҚШ давлат котиби бўлиб, у Европани Иккинчи жаҳон урушидан кейин оёққа кўтариш учун махсус дастур ишлаб чиқарган бошчилик қилган.

Шу дастур Маршалл план деб аталади. Франция, Буюк Британия, Германия ва шунга ўхшаш Европа давлатларининг бугунги савиясини кўрсатиш, беҳабир одамнинг ҳаваси келди. Лекин урушдан кейинги уларнинг аҳолини бир эслаб кўрайлик. Қай аҳволда эди Европа? Маршаллнинг вақти нима берди? Америка Мўнаша Штатлари Европани тиклаш учун бирийдига катта маблағ тасвир қилди. Маршалл планига асосан тахминан 50 миллиард доллар Европа давлатларига кредит сифатида берилди. Мазкур маблағ ва мамлакатларнинг иқтисодини ўнглаб, ҳаёт даражасини кўтаришга, аввало иморатларни қайтаришга жорий этишга ва умуман башарий тарқатишга йўлга қайтаришга катта ҳисса қилди. Маршалл вақти ана шундай улкан натижа берди.

Энди Японияни олайлик. Урушдан кейин Япония қай даражада эди? Қандай аҳволда эди? Бу вайрона бўлиб ётган давлат 50 йилдан кейин бугунги юксак тараккият даражасига кўтарилади, деб ким тасаввур қила оларди? Кореяни олайлик. Қай аҳволда эди Жанубий Корея?

Хуллас, бундай мисолларни кўлаб келтириш мумкин. Ҳаммаси, барчаси нима ҳисобдан кўтарилади? Албатта, биринчи гада, ўз кучига таяниб, ўз имкониятларига суюниб. Лекин четдан кўмак, сармоялар бўлмаса, ўз мақсадига эриша олмади.

Ўзбекистоннинг ривожланиш модели, Ўзбекистоннинг тараккият режаси ва дастурларини тузганда биз аввало нимага ишондик ва нимага асосландик? Ўзимизнинг қучимизга. Ўзимизнинг тарихимизга. Ўзимизнинг фахримизга, ўзимизнинг гуруримизга. Ва шу йўл билан фаровон турмушга эришишни ўзимизга қатъий мақсад қилиб белгилادик. Лекин, шу билан бирга, фақат шу меъоронга, шу омилга суюниб кўп нарсаларга эришиш мумкин эмас. Тараккият учун сармоя керак, инвестиция керак.

Мана, кеча Япониядаги энг катта фирмаларнинг раҳбарлари Ўзбекистонга келди. Булар шундай катта фирмаларки, улар Япониянинг бугун капитал дунёсини ўшатишга туртки. Улар орасида Япониянинг иқтисодий ташкилотлари федерацияси — «Кейдэрэн» деган йирик бирлашма ҳам бор. Бу фирмалар нафақат молиявий иқтисодни, керак бўлса, ўз ҳукуматининг сиёсатини ҳам белгилайдиган қудратга эга.

Биз улар билан учрашиб, фикр алмашдик. Жумладан, федерация раҳбари жаноб Тоёда билан ҳам суҳбатладик. Бу япон фирмаларининг энг катта раҳбари, кўп нарсани биладиган, тажрибали одам. Шулар билан учрашиб, яна бир бор гаплашиб олдик. Учрашулар давомида Япония Ўзбекистонга қандай қараётди, бизга муносабати, сармоя бериш соҳасидаги режалари, бизларнинг эртанги кунимизга ишончи борми-йўқми — шу каби масалалар ҳусусида атрофлича кенгайтиб олдик.

Фикримни яқунлаб айтмоқчиманки, агар Ўзбекистон тез кунларда ўзининг мақсадига, ўз муродига эришмоқчи бўлса, чет мамлакатлар, бой давлатларнинг сармоясини олиб келмасдан ва ниҳоятлари амалга ошириб бўлмайди. Истардимки, бу оқддий, лекин ўқт муҳим ҳаётий ҳақиқатни мактабларда ўқитиб, олий ўқув юртиларида таълим олаётган болаларимиз, эртага бизнинг ўрнимизга қалайдиган фарзандларимиз яхши тунгулиб оса, қолар-эмас, ҳар қайси фуқаро шунга яхши тушуниб ётса. Чунки бу ҳаётий ҳақиқат — бизнинг эртанги кунимизнинг гарови. Тақдорлар айтаман: бу — гаров. Бу — шарт. Агар шу шартни амалга оширсак, эртага марра бизларники.

Шу сабабли мана шу иккита — яъни «Чет эл инвестициялари» ва «Хорижий инвесторлар ва инвестицияларга қаролат бериш тўғрисида» қонунлари кўраётганда табиий савол туғулади: нима учун биз бу қонунларни қабул қилганимиз? 1992 йилда қабул қилган қонунларни бугунги кўб билан бошқатдан қараб, яна бошқатдан таҳририни ўзгартирилганми? Сабаб нима?

Сабаб шундаки, бугун дунёнинг маблаг, барча бой-бадавлат давлатларнинг инвестициялар учун ажратадиган маблағлари, сармоялари, булар ҳаммаси бир қозонда қайнаб турибди. Бугунги умумбашарий шароит шундайки, жаҳонда умуман глобализация деган жараён кенаяпти. Дунёда қанча ортқича сармоя бор, бу сармояни бошқаларга бериш, ёрдам тариқасида бериш, ўзига фойда орттириш микдори таби мақсадлар ҳаммага маълум. Лекин савол туғулади: ҳўш, бу сармоя қайси давлатларга, қайси минтақага биринчи навбатда қайси боради? Қайси ишлар учун, қайси тармоқлар ва минтақаларнинг ривожини учун ётқизилади? Мана шу масала бугун, бугунги жаҳон сийосатида, иқтисодий сийосатида ва бошқа сийосатда энг катта аҳамиятга эга бўлган масала. Ҳуддики дарё оқиб кетаяпти, бу дарёнинг чегаралари ва манзили қаёқда?

Агар мустақил бўлган йилларимизда ҳисобласак, бугун Ўзбекистонга келган сармоя тахминан 8 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Бир йилда биз тахминан 1 миллиард АҚШ долларини ўзлаштирилдик. Лекин бу бизнинг имкониятларимиз даражасидан кам, бу ҳар томонлама қараганда режаларимизнинг амалга ошириш учун етарли эмас. Шунинг учун биз тезроқ ўсмокчи бўлсак, иқтисодимизни жаҳон иқтисодига тенг қилмокчи бўлсак, аввало иморат, санъатни, иқтисодий ривожлантирмокчи бўлсак, Голландия, Германия, Хитой ва Япония технологияларини олиб келиб қишлоқ хўжалигини кўтариш мумкин бўлсак, бизга сармоя, сармоя, яна бир бор сармоя керак. Яъни, хорижий инвестициялар керак.

Шу нуқтани назардан бу қонунларни қабул қилишимизнинг бундан кейин қайтадан кўриб чиқишимизнинг сабабини битта. Каерда имтиёз бўлса, каерда шароит бўлса, каерда агарки қонуний гаров, қонуний қаролат бериладиган бўлса, шу ёққа сармоя келади. Бунга яна тушунтириб ўтиришимиз ҳолати йўқ, деб ўйлайман. Мен ишонманки, мана шу гапларимизни оддий одамларга, жамоатчилигимизга, халқимизга етказиладиган. Яъни каерда шароит бўлса, каерда қулай иқлим бўлса, каерда шундай имтиёзлар бўлса, улар шундан фойдаланиш курси, қафолатга ишонса, шу жойга ишониб сармоя олиб келади. **Қаролат дегани — бу жуда оғир нарса. Қаролат деганида ҳам сийосий, ҳам иқтисодий, ҳам молиявий қафолат беришимиз керак.** Бунинг фойдалари бор, бунинг гаровлари, ўзига яраша шарт-мажбуриятлари бор. Биз буларнинг ҳаммасини мукаб-самлаштириб, қонуний нуқтани назардан, қонун билан қафолатини берав эканмиз, бу ишларимизни тарғибот қилиш керак, ташвиқот қилиш керак. Чет эллардаги катта фуқаролик компаниялари, пулдор банкларга, халқаро молия ташкилотларига мана шу қонунларимизнинг ҳолатини чуқур тушутиришимиз, бошқача айтганда, миясига қуйиб қўйишимиз керак. Ўзбекистонда биринчи навбатда сийосий, иқтисодий, молиявий барқарорлик мавжуд, бу ҳар қандай сармоянинг асосий гарови, асосий шарт, деб айтишимиз керак. Сизлар сураётган қафолатни биз берамиз, қулай шарт-шароит ҳам яратиб берамиз. Шу билан бирга фойзини ҳам қойиб қилиб берамиз. Сизларнинг ички ишларингизга аралашиб этики йўлингизга гов бўладиган тўсиқларни бартараф этишга, керак бўлса, зуравонларнинг пайини қирқишга мана шу қонунлар асос бўлади, деб биз қафиллик беришимиз даркор. Токи уларда шундай ишонч пайдо бўлсинки, Ўзбекистонга сармоя келтирган хорижий инвестор бошқа жойдагидан нисбатан кўпроқ фойда олади.

Албатта, мен бу гапларни биринчи марта айтганим йўқ. Лекин шунга унутмаслик лозимки, дунёда ҳеч ким,

ҳеч қачон, ҳеч қандай даврда ҳам текинга Ўзбекистонга ёрдам бермайди. Чунки манфаатсиз, ўзининг мақсади-га эришмасдан, бирор фойда кўрмасдан ёрдам бериш деган гаплар — буларнинг барчаси пуч гаплардир.

Шунинг учун мана шу қонунларнинг синчиқлаб мағзи-га етиб борсак, бизлар 1993 йилда қабул қилган қонун-ни кеча иккита мустақил қонунга айлантирдик. Яъни, чет эл инвестицияларини алоҳида кўриб чиқдик. Мана шу инвестицияларга қаролат бериш масаласини муқо-кама қилдик ва уни кенгайтирдик. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда хорижий сармояларга қандай имтиёзлар берилаётганини, уларнинг ҳам сийосий, ҳам иқтисодий, ҳам молиявий қафолатини содда ва аниқ тарзда ишлаб чиқдик, энди тегишли ташвиқот ишларини жойига қўйи-шимиз зарур. Агар эртага бизга бирор сармоядор кел-са, унга мана шундай ҳолатни кўрсатиб, сўнгра у билан гаплашамиз. Қуруқ гаплар керак эмас, ваъдалар керак эмас. Қонун бизлар учун ҳам қонун, сизлар учун ҳам қонун, деб айтаман.

Бу ерда яна битта масала бор. Инвестициялар кели-ши ўз йўли билан, лекин Ўзбекистоннинг модели, иқтисоди, иқтисод ривожининг роли шундайки, биз ўз ҳал қилувчи бойликларимизни, ўз иқтисодий по-тенциалимизни ҳеч кимга сотганимиз йўқ. Баъзи қўш-ни давлатлар тажрибалари бизга тўғри келмайдди. Бизда ундай нарсалар йўқ, бунга нафақат сизларга, балки хал-қимизга қарата ҳисобот тариқасида айтганам. 6-7 йил давомида биронта катта корхонамизни ёки ривожимиз-нинг асоси бўлиши бойликларимизни ҳеч кимга сотта-ганимиз йўқ. Агарки бирон-бир хорижий ҳамкоримиз сар-моя олиб келаятган бўлса, бу борадаги шартномалар қонунларимиз асосида бўлган.

Мана, мисол учун «ДЭУ» билан автомобиль заво-дини худди шу асосда қурдик. Бухорода улкан нефтни қайта ишлаш корхонасини ҳам айна шу тарзда барпо этдик. Ишонасизми-йўқми, бунга кам одам ишонади, бу лойиҳанинг умумий нархи ярим миллиард АҚШ дол-ларидан кўпроқ. Фақат технология қисми 262 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Қайтариб айтман, бу фақат технология қисми. Ундан ташқари бошқа кўлаб мурак-каб иш-шароитларни қуриш керак эди. Сув олиб келиш ке-рак, электр олиб келиш керак, йўлларни қуриш керак, иморатларни қуриш керак ва ҳоказо. Буларнинг ҳамма-сига, айтиб ўтганимдек, ярим миллиард АҚШ доллар зарур эди. Биз шу қурилиш учун хорижий мамлакатлар-дан сармоя олиб келаятганда 40 фойзини бевосита ўз-га миз топдик, яъни Ўзбекистон сармояси сифатида қўй-мақ. Шунинг ҳисобидан оладиган фойдамизнинг тақ-симоти қуйидагидек: 40 фойзи ўзимизга тушяпти, 60 фой-зи ҳозирча уларга тушяпти. Эртага ҳамма олган кредит-ларнинг ҳисоб-китобини жойига қўйсак, фойданинг юз фойзи ўзимизники бўлади.

Барпо этилган ва этилаётган бошқа йирик корхона-ларни ҳам шу нуқтани назардан кўриб чиқсак, шунга амин бўлиш мумкинки, биз ҳеч қачон ўз манфаатимизни ва иқтисодий мустақиллигимизни ҳавф остида қолди-риганимиз йўқ. Биз сийосатимизни, ривожимиз дастурла-рини тузаётганда фақат бугунги кунни эмас, эртанги кунни ўйлаб қадам қўйдик. Сизларга раҳмат, шу сийосатни тў-ғри тушуниб, қўлаб-қувватладигиниз. Мана шу сийосат-нинг тўғричилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаётти. Ва муқад-дас заманимизда ҳаёт кечираётган ҳар бир инсон унинг натижасини, ҳосилини аста-секин кўраётти.

Азиз биродарлар!
Муродимизга етмокчи эканмиз, белни мақкам бо-ғлайлик. 6 йил мобайнида эришган ютуқларимиз, эртан-ги кунимизга умид уйғотиб, пойдеворимизни янада му-стақамлайди. Амминанки, бизнинг ўрнимизга келадиган авлод биздан кучли бўлади! Бизнинг ҳаётларимизни тақ-дорламайди. Уларнинг тажрибаси, дунёқараш мутлақо бошқача бўлади. Улар вақтини, кун-райатини боқиман-далик, совет тузумидан қолган бошқа иллатларга қураш-га сарфламайдди. Улар фақат олга юради, бошқалардан кам бўлмасликка, ўзбек миллатини, керак бўлса Ўзе-бекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг бахтини, иқбо-лини юксалтиришга ҳаракат қилади. Бу баландлариз гаплар эмас. **Мен сизларнинг сийосатингизда ақл-зако-ватли, мард, тиниб-тинчмас халқимизни кўряман. Ўз қадримизга етайлик. Ютуқларимиздан гурурлан-майлик-у, лекин бошимиз айланмасин, обғимиз ер-дан узилмасин.**

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ҚОНУНИЙ АСОДА БЎЛСИН

Хурматли халқ ноиблари!
Мана, ҳозиргина хурматли бир доимиянинг маъру-засини тингладик. Кечирасизлар-у, маъруза менга ёқ-мади. Лицейларда, олий ўқув юртилари аудиторияларида ўқиладиган лекциялардан фарқи йўқ. Олим, юрист си-фатида мен у кишидан бошқа нарсани кутган эдим. Яъни, бугун ҳаммамизни ўйлантираётган муаммолар ҳусусида вақолатли мутахассис фикри керак эди бизга. Афсуски, бундай бўлмади.

Давлатимиз, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро келажагининг қафолатини Конституция беради. Фуқаро-ларнинг ҳақ-қуқуқлари, бурчлари Конституцияда белги-ланган, тегишли қонунлар билан мустақамланган. Мақ-садимиз эркин, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адо-латли жамият барпо этиш. Ҳеи бир инсонни камситмас-лик, эътиқодини ҳурмат қилиш, эркинлигини таъминлаш.

Модомики мақсадларимиз аниқ экан, инсон ҳуқуқ-лари умумхалқ муҳофазасида қабул қилган Конститу-ция ҳимоясида экан, авлодларимиз, фарзандларимиз ке-лажагига ҳавф соладиган, миллат шайнига доғ тушира-диган хатти-ҳаракатлар қаердан пайдо бўлганми? Мен Наманганда, Андижонда рўй берган қўнғисиз воқеалар-ни назарда тутяман. Нима, ҳуқуқий асосларимиз бўлми ёки умуман маъсулиятни унутти қўйдимки? Балки баъзи бир мансабдор кимсалар иқтидорини сийосат олиб бо-риётганми? Ана, орангизда Наманган вилояти ҳокими ва туман ҳокимлари ўтирибди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишон-манг, битта виллоятда 1200-1300 та масжид бор. Бу масжидлар атиги 4-5 йил ичда қурилган. Мазкур мас-жидлар қонун доирасида фаолият кўрсатиши учун ким-дир маъсул бўлиши керакми, йўқми? Уш ҳудудларда қо-нунарлигимизни ҳимоя қилаётганлар борми-йўқми?! На-мангандаги масжидларнинг 50-60 фойзи рўйхатдан ўт-маганини виллоят ҳокимлиги ва жамоатчилик билмайди дейсизми? Билмайди! Фақат ўз тиничини ўйлаб, разил ни-ятлар, фитналарга қўл силкиб қўйган. Масжидларни рўйхат-дан ўтказиш ҳақида гапирдим. Диний ташкилот ёки мас-жид очиладиган бўлса, албатта ўзига мажбурият олиши керак. Қайси қонун бўйича фаолият кўрсатади, фаолият доираси қаердан бошланадиган, қаерда тугайди — бунга аниқ билиши, маъсулиятни тўла ҳис этиши зарур.

Рўйхатдан ўтиш — бу арзиманган расмийлик эмас, ахир. Бундай ишлар албатта, пора бериш, амалдорнинг оғзини мойлаш ҳисобидан бўлиши ҳам мумкин. Лекин қонун ҳўм сураётган ҳудудда, туман ва виллоятларда бунга имкон берадиган вазиятни тағ-тири билан қирқиб ташлаш керак. Масжидларнинг маблаг, бор, лекин ак-сарияти солиқ тўламайди. Хўш, бу пуллар қаёққа кетя-пти?

Ҳокимларнинг, Адлия вазирлигининг жойлардаги бў-лимлари ҳодимларнинг чўнтағи! Прокурор бўлса мик-этаймиди. Қонунлар ижроси устидан назорат прокурор-нинг вазифаси эмасми? Агар туманда қонун бажари-лмаса, прокурор унда нима қилиб ўтирибди?! Қанча-қанча назорат ташкилотлари бор. Ўзингиз бир тасаввур қилинг: бир бечора тижоратчи ёки савдогарнинг орти-дан ўнтаси ўпқасини қўлтиқлаб югуради. Чунки, ишхона-ни қўзғатиш, оғзидагини ҳам тортиб олиш осон.

Сўзимни мутхасар қилиб айтмоқчиманки, қонун қабул қилиш билан иш битмайди. Аравани қуруқ олиб қочиб, умумий гаплар билан қўлтиб кетаман, деб ўйламан-лар. Бу жуда катта муаммо. Ўзбекистоннинг келажигига ҳавф солаётган, умумхалқларимизни, оруз-ниятлари-мизни барбод қилиши мумкин бўлган, авлодларимизни ҳавф остида қолдирадиган катта таҳдид бу! Бир матбуот

анкумананда «Озодлик» радиостанциясининг муҳбири Фурқатбек Яқалхўжаев Наманган воқеаларининг саба-бини суради. Мана, сиз муҳтарам депутатлар ҳам эши-тиб қўйинлар!

Наманганга четдан таъсир бўлмаса, ўз-ўзиндан шундай тажовузулар юз берармиди? Бу қонхўрлар кимнинг мак-табиди ўқиган, кимдан маблаб олган, ким уларни қурол билан таъминлаган, ота-оналарининг бепарволигидан фойдаланиб, ёш йигитларни ким Тожикистон ёки Аф-ғонистон ва Покистонга олиб борган? Уларни муҳолиф қулларнинг ўзаро хунрезлик гирдобига улоқтирган ким? Тавилдара деган жойда одамларга қурол ўқитиб, ўз-беклар номини сотиб юрган Жума Намангоний, ўзини амирлар қаторига қўшган Тоҳир Йўлдошев ўзи ким?! Бу муттахамлар қаердан пайдо бўлди? Уларнинг жилов-ини нега вақтида тортиб қўймадик?!

Холисона тан оламиз: Ўзбекистон ҳудудида баъзи бир ечимлаган ижтимоий масалалар, дейлик, ишчиллик бор-дир, одамларнинг ҳаёти хали биз орзу қилган даражада эмасдир. Ёшлар муаммоларини ечишда бепарволикка йўл қўйганмиш. Ўрта ва олий ўқув тизимидики, маъна-вий ва маърифат соҳасидаги маъсул кишиларнинг ло-қайдлиги ўз йўлига, бу ўзимизнинг айбимиз. Лекин яна тақдорлайман: четдан таъсир бўлмаса, болаларимиз ал-даниб Покистонга бормасди, муқаддас динимизга ёт бўл-ган оқимларга ружу қўйиб, қўлларига қурол олишмасди. Жангариларга айланиб Ватанига, ватандошига қўл кў-ртармас, қўпурчилик билан шугулланмас эди.

Наманган, Андижонда қўлга тушган жиноятчилар усти-дан эрта-индин очик сўз бўлади. Керак бўлса, сўз жа-раёнини телевидение орқали кўрсатамиз. Ана ўшанда бу қонхўрларнинг мақсади нима бўлганини ўз қулоқла-ринг билан эшитасизлар.

Уларнинг биринчи режаси маъмурий, ҳуқуқ ҳимоясида турган ташкилотлар: милиция, прокуратура ва шунга ўх-шаган ҳокимият ҳодимларини ўлдириш билан одамлар-ни қўрқитиш бўлган. Ундан кейин бизнинг ишлаб чиқ-ариш соҳасидаги, ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган иш-шотларни портлатиш, нон, сут етказиб берадиган, одам-ларни иш билан банд қиладиган корхоналарни, иморат-ларни портлатиш...

Тушунясизларми, қандай катта ҳавф остида қолиши-миз мумкин? Битта муттахам, битта йиримини сотган ёвуз ниятли одам, қанча-қанча зарар, зиён етказиши мумкин.

Боз устига, бу ишлар дин никоби остида, мен кимман, мен ваҳҳобийман, мен ҳақиқий мусулмонман, деган ки-бри ақида билан қилинади. Ким ҳақиқий мусулмон, ким сохта мусулмон эканини ёлғиз Оллоҳ талоо билади. Охи-ратда, сўроқ-савол пайтида ҳаммамизга Яратганнинг ўзи баҳосини беради. Бу дунёда биринчи чала мусулмон, ўзини ҳақиқий мусулмон дейишга ҳеч бир банданинг ҳақи-қий йўқ. Бунга Исламдан қабардор одамлар, диний идора-ларнинг раҳбарлари жуда яхши билади. Ана шу одамлар айтсин.

Яна бир бор айтаман: ким ҳақиқий мусулмон, ким ча-ла мусулмон, ким кофир бўлганини Оллоҳ талоғина билади. Ким, алҳамдуллоҳ, мусулмондан деса ва му-қаддас Қуръони каримда, ҳадисларда кўрсатилган та-лабларни бажо этса, бизнинг динимиз бўйича Худода итоат қилган, илтиҳо қилган бўлади ва у ўзини мусул-мон дейишга ҳақлидир.

Боя айтганимиз қўнғисиз воқеалар қандай оқибат-ларга олиб келиши мумкин? Аввало улар майда ишлар-дан, бепарволикдан бошланганини унутмаслик лозим. Жа-миятнинг ўзи бунга қарши қаттиқ оғзақ турмаса, ўзини, ўз фарзандларини ҳимоя қилмаса, эртага Тожикистон-даги вазият бизнинг ҳам бошимизга тушиши мумкин. Тожикистонда, Шаҳидон майдонда бўлган воқеалар 1992 йил май ойида бошланган эди. Бунинг тариқига 6 йил бў-ляпти, ҳамон Тожикистонда тинчлик, барқарорлик йўқ, ҳеч қандай қурилиш, бунёдкорлик йўқ. Одамлар нима билан банд — ўзингиз хабардорсиз.

Тараккиятни ўн йиллар орқага суриб юборган Шаҳи-дон воқеалари аслида Наманганда бошлангани керак эди. Бунни ким билади? 1991 йил 8 декабрда мен Наманганга бориб ақлини йўқотган, ўзига «Оллоҳ лашкарлари» деб ном қўйиб олганлар билан, ўша Йўлдошев Тоҳир билан юзма-юз бўлганман. Унинг қўлидан микрофонни олиб гапирганими ким эслайди? Ўшанда мендан улар ислом давлатини, ислом республикасини ҳозир эълон қиласиз, деб талаб қилишган. Соқоли тизасига тушадиган ким-салар одамларнинг бошини айлантириш, шу масалалар-ни кўтарганлари хали ҳам эсимда, овозлари хали ҳам қулоғимда турибди.

Улар «Ислом лашкарлари» ва бошқа ташкилотларни тузиб, одамларга таъвоуз қилиб, милициянинг ўрнини олиб, ҳўқмдор бўлмокчи эдилар. «Қўқон ҳолигини таш-кил қиласиз», деган мақсадда юрганлар. Бунга ким би-лади? Бунга аввало сиз депутатлар билишингиз зарур. Нега деганда, сиз халқ ноиблари — халқ вакиларисиз. Халқни ким ҳимоя қилади, халққа ким йўл кўрсатади? Бундай ҳавфини ҳар бир одам сезиб, онгидан ўткази-ши керак. Биз бугун нима учун мана шу Виждон эркинли-ги тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқяптими? Бунинг сабаби шунки, мазкур қонун 1991 йилда, яъни Конститу-циямиздан бир ярим йил олдин қабул қилинган эди. Ҳозир янги Конституцияни қабул қилдик, кўп қонунларни ишлаб чиқдик. Энди ҳаётимизни яна, келажакимиз учун, фарзандларимизнинг соғлом эътиқоди учун аҳамиятли бўлган, демократиянинг энг муҳим шарти бўлиши виж-дон эркинлиги масаласини қайтадан кўриб чиқяптимиз.

Олимларимиз, таълим-тарбия даргоҳларининг тарбия-чилари, ўқитувчилари Ўзбекистонга бўлган ҳавф ва таҳ-дидларни тўғри таҳлил қилиб, болаларимиз тақдирини учун биринчи навбатда ёниб ҳаракат қилиши, болаларимизни бундай ўз ҳавфдан ҳимоя қилишлари керак. Тарбиячи-лар, олимлар, доимлар томошабин бўлиб ўтирмаслиги лозим. Фарзандларимизни ким тўғри йўлга солади, ким уларнинг онгини тозалаяди, ким уларга ҳақ гапларни гапириб, ҳаётда ўз эътиқодига суюниб яшашини ўргата-ди, тарбиялайди? Ёшларнинг тўғри йўл танлашида ким биринчи бўлиб ёрдам бериши керак, уларга ким таянч бўлиши лозим?..

Афсуски, бундай ишлар ҳозирча йўқ даражада! Нима учун бу масалада лоқайдликка, бепарволикка йўл қўйилмапти? Одилона, оқилона йўл топиб ўрнига баъзи ҳокимлар ўзи масжид қурилишида ҳомий бўлиб, бирин-чи яштини қўйиб юрибди. Ахир сен ҳокимсан, олдин мак-таб қур, одамларнинг оғлигини сақлаш, энг долзарб эътиҳолларини қондирш борасида сен жонқур бўлиши-нг керак эмасми? Бўлмаса, ҳокимлигини зинимга олиб нима қилсан? Масжидга бориб, имом бўи — агар эти-қодинг ёки билиминг тўғри келса. У ерда маошинг кў-роқ, маъсулиятинг, жавабгарлигинг эса камроқ бўлади.

Ҳоким деганда биз мутлақо бошқача, мана шу туман, мана шу виллоятнинг ҳўқмочисини, керак бўлса тақдирини, ҳаёт-мамотини ҳал қиладиган фидойи одамни тушуна-миз. Виллоят ёки туманда нима воқеа рўй берса, виждон-ли ҳоким аввало ўзи жаваб бериши керак. Шунинг учун бу масалани кўраётганда ҳаммамиз, аввало шу ерда ўти-рганлар ўз маъсулиятимизни чуқур англаб, ҳис этиб ю-ришимизга жанубдан келаятган ҳавфнинг олдини олиш, бо-лаларимизни ёт таъсирлардан сақлаб қолиш тўғрисида ўйлашимиз керак. Эеро, мен ваҳҳобийман деган ёш бо-ла ҳам ўзбек боласи, бизнинг миллатимизнинг боласи, халқимизнинг боласидир. Уни тўғри йўлга солиш бар-чаевизнинг бурчимиздир.

Телевидение орқали Наманганда бўлган воқеаларнинг қўлга олинган иштироқчилари, милиция ҳодимини ўлди-риб кетганлар кўрсатилди. Қўз ёшларидан оғиб бўлиб қолган онаизорларнинг нима айби бор? Нима учун биз бу масалага бепарвомиз? Бу ишларга ҳис — жамоатчи-лик ҳам айбдор эмасми?!

Шунинг учун мен сизларга муурожаат қилиб айтмоқчи-ман. Ҳар ким виждонан, қалбидангина гапирсин. Ҳақиқат-дан ҳам шу ҳавфини сезяптими-йўқми? Мен айтган га-пларга қўшладуми-йўқми, шу тўғрида гаплашиб олайлик, фикр алмашайлик. Энг муҳими, зарур ҳулосаларни чиқ-арайлик. Ватанимизни, дийримизни бало-қазолардан ҳа-жидат бўлиб асрайлик.

ЮТУҚ-КУ БОР...

Ўзбекистон ХДП Яққасарой тумани кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда биринчи котиб Т.САЙФУЛЛАЕВ кенгашининг 1997 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот берди.

«ПТИ Минмонтаж», «ДОЗ», кинодетал заводи, АХМ-ИВЦ, «Курувчи» корхоналари шулар жумла-сидандир. Ойла йили муносабати

Партия ҳаёти

билан хотин-қизлар ўртасида туманда амалга ошириладиган ишлар тўғрисида туман ҳокими мювини, хотин-қизлар кенгаши раиси Г.Ғофурова, Яққасарой тумани И

Бу дунёнинг ишлари

БОШИ БЕРК КЎЧАГА КИРИБ ҚОЛДИ

Шимолий иттифоқ ва «Толибон» ҳаракати вакиллари Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш юзасидан Покистон пойтахти Исламободда ўтказилган музокаралар яқинда боши берк кўчага кириб қолди. Афғон, ушбу музокаралар боши берк кўчага кириб қолди. БМТнинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича махсус топшириғини бажарётган Жеймс Нгобининг айтишича кўра, толибончиларнинг вакиллари навбатдаги мажлисга келмади. Толибонларнинг раҳбарияти Исламободдаги ҳукумат уйига бор-йўғи бир кишини — Абдул Ҳаким Мужоҳидни юборди. Унинг айтишича кўра, Исламободда мухокама қилиш учун ҳеч нарса қолмади. Бас шундай экан, диний уламоларнинг учрашуви кунини белгиланишига ўзи кифоят эмиш. Шимолий иттифоқ вакиллари айтишича кўра, толибонларнинг айтиши афғон халқи яна бир бор тинч ҳаёт кечириш ҳуқуқидан маҳрум бўлди.

Ушбу кунги шимолий иттифоқ ва «Толибон» ҳаракати ҳарбий гуруҳлари барча фронтлар бўйлаб оловли нуқталарни эгаллашга ҳаракат қилишди. Айрим мавқумотларга кўра, Аҳмад Шох Масуд ва толибонларнинг милиция бўлиналари ўртасида Қобулдан 25-30 километр шимолда тўқнашув юз берган.

УМУМЖАҲОН МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ КУНИ

БМТ Бош ассамблеясининг қарорига кўра, ҳар йилнинг 3 май кунини умумжаҳон матбуот эркинлиги кунини

нишонланади. Бу сафар ушбу кун яқинбага тўғри келиб қолганини сабабли байрам дунда кунини ўтказилди. Кеча нишонланган байрам БМТнинг Нью-Йоркдаги штабхонасида тантанали мажлис билан очилди. Мажлисда БМТ қотибяти раҳбарлари, ушбу таъкилот аъзоси бўлиши мамлакатларнинг вакиллари, таниқли журналистлар, шунингдек БМТнинг ахборот кўмитаси аъзолари иштирок этишди. Аянага кўра, ушбу кўмита ўзининг йиллик сессиясини ҳам ўтказди. БМТ Бош қотиби Кофи Аннан ушбу кунни эркин, мустақил матбуот органларини ташкил этиш кунини, деб эълон қилди.

АРАФОТ БИЛАН МУЛОҚОТ

Кеча кечаси АҚШ вице-президенти Альберт Гор Фаластин мухторияти ҳудудида Ясир Арафот билан учрашди. У Фаластин ва Исроил халқини бардам бўлишга, бундан бун тинчликни сақлашга чакирди ва уларни музокараларни давом эттиришга даъват этди. Кеча эрта тунда Гол Тель-Авив аэропортида Исроил Бош вазири Беньямин Нетаньяху билан ҳам учрашди.

УЧРАШУВ БОШЛАНДИ

АҚШ давлат қотиби Мадлен Олбрайт кеча Лондонга келди. Унинг Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр ва бу ерага етиб келган Исроил Бош вазири Беньямин Нетаньяху ҳамда Фаластин мухторияти раҳбари Ясир Арафот билан учрашуви бошланди. Ўз навбатида Исроил ва Фаластин раҳбарлари Даунинг-стритда Тони Блэр билан учрашди. Учрашувлар чоғида асосий эътибор Яқин Шарқдаги барқарорликни таъминлашга қаратилди. Бунинг учун Исроил қўсқа мудоғатда Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидан босиб олган ерларининг 13 фоизини озод этиши зарур. Бирок, Арафотнинг айтишича кўра, Исроил босиб олган ҳудудларнинг 40 фоизини қайтариб бериши зарур. Нетаньяху эса агар 13 фоиз ерлар озод этилса, Исроил

хавфсизлигига таҳдид тугилади, демоқда.

ВАЛИАҲД ШАҲЗОДА ҚҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Форс кўрфазини мамлакатлари бўйлаб сафар қилаётган АҚШ сенатининг етти аъзосидан иборат делегация кеча Қувейт валиаҳд шаҳзодаси ва Бош вазири Саад ал-Абдулла ас-Сабах ва мудоғфа вазири шайх Салим ас-Сабах томонидан қабул қилинди. Бундан бир кун илгари америкалик сенаторлар ушбу мамлакатда жойлашган АҚШ ҳарбий хизматчилари билан учрашган эди. Сенат делегацияси аъзолари энди Саудия Арабистони ва Баҳрайнга ҳам сафар қиладилар.

КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ

Тептаи Самарқандий аҳоли пунктида Душанбе шаҳри ва унинг атрофидаги ҳарбий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш бўйича ҳукумат комиссиясининг раиси, Тожикистон ҳукумати бош вазирининг биринчи ўринбосари Али Акбар Тўражонзода билан Тожикистон мухолифати дала қўмондонлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Бирлашган Тожикистон мухолифатининг матбуот марказидан хабар қилишларича, Тожикистоннинг Ленин тумани дала қўмондонлари ҳукуматининг қарорига кўра, ўз қўшинларини Душанбе шаҳри ва унинг атрофидаги ўзларининг Мағмуру, Оқчамон ва Хокли қишлоқларидаги доимий манзилгоҳларига чиқариб ташлашга рози бўлишди. Тожикистон Президенти қотиби З.Саидовнинг айтишича кўра, республика ҳукуматининг «Душанбе шаҳри ва унинг атрофидаги ҳарбий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳозирги пайтгача тўла бажарилди. Унинг таъкидлашича, ҳукумат комиссиясининг аъзолари кеча соат 18.00 гача Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновга мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисоб беришлари зарур эди.

Кеча Лондонда муҳим бир учрашув бошланди. Унинг мавзуси: Яқин Шарқ, Яқин Шарқ ер юзидаги ухшаши йўқ минтақалардан. Бу ерда Осиё, Африка ва Европа қитъалари, Маширигу Магриб дуташган, Жанубдан Шимолга, Ғарбдан Шарққа ва тескарига қараб борувчи қарвон йўллари кесишган, ислом, христианлик ва яҳудий динларининг муқаддас сарчашмалари жойлашган. Инсоният цивилизацияси бешикларидан, жаҳон тарихининг энг гавжум чорраҳаларидан бири ҳисобланмиш ушбу заминнинг йилликлар давомида равнақ топиши ва юксалиши, инкирозга учраш ва өмирлишини кўп марта бошдан кечирган, қўлаб босқинчиларнинг қурбони бўлган. Нуфузли ички ва ташқи қўлабнинг манфаатлари тўқнашуви асосида вужудга келган дивидиялар тугуни асрлар давомида пайдо бўлган. Бизнинг асримиз ҳам бу йилга ўз ҳиссасини қўлди.

1947 йил 29 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси ҳозирчада Англия бошқариб келган Фаластин ҳудудида мустақил икки, яъни араб (ҳудуди Фаластин ҳудудининг 44 фоизи, аҳолиси 1,2 миллион кишидан зиёд) ва яҳудий (ҳудуди Фаластин ҳудудининг 56 фоизи, аҳолиси 608 минг на-

куча) намоёнликлари, истилочи қўшинларга оммавий тарзда тош отиш ва ҳоказолардан кенг фойдаландилар. Исроил ҳукумати фаластин партизанлари базаларини ўққа тутиш, Ливан ҳудудида бостириб кириб, у ерда «хавфсизлик зонаси»ни вужудга келтириш, қўшиб олинган араб ерларида яҳудийлар яшайдиган қўрғончаларни бунёд этиш, халқро ҳамжамиятининг унга тааллуқли қарорларини бажармаслик тактикасини қўллаб келди.

Лекин, «қонга қон, жонга жон» шiori остидаги куч ишлатиш сиёсатининг самарасизлиги, на араблар ва на исроилликлар, бу йўлдан бориб, ўз ниятларига эриша олмади. Барриқаданинг ҳар икки томонида жойлашган жамиятларда қўшинлар билан муро-са қилиш лозимлиги тугрисидаги гош пийиш етилиши натижасида БМТ ва АҚШ ҳамда Россия шафелигида бошланган араб-исроил музокараларида «ер эвазига тинчлик» қойдаси ишлаб чиқилиб, Фаластин мухториятига, демократик бўлажак мустақил Фаластин давлатига асос солинди. Минтақа, бутун дунё халқлари энгил нафас олдилар.

Тинчликни қарор топтириш ҳеч қачон, ҳеч ерда осон кечмаган. Яқин Шарқда ҳам шундай бўлди. 1996 йил май ойи

Сиёсий шарҳловчи НИГОҲИ

чиқиб кетиш муаммоси марказий урин эгаллаиди, албатта. Хорижий матбуот органларининг ёзишича, Б. Натаньяху шу пайтгача Ғарбий соҳилнинг яна 9 фоизини мухторият ихтиёрига топширмоқчи бўлса (ҳозирча унинг 5 фоизи Фаластин мухторияти тасарруфидadır), эндиликда уни бирмунча кенгайтиришга тайёр эмиш.

Музокараларда воситачилик қилаётган АҚШ давлат қотиби Ғарбий соҳил ҳудудининг яна 13 фоизини фаластинликларга ҳозирча қайтариб беришни таклиф этмоқчи экан. Аммо, мурасасиз рақиблари қучли тазийк қўраётган Фаластин раҳбари бунга қунармикан?

Хабарингиз бор, апрель ойининг сунгги икки кунини давомида Исроил давлати фуқаролари ўз давлатлари ташкил этилганлигининг 50 йиллигини кенг нишонладилар. Бу ҳақдаги хабарлар баъзиларга галати туюлган бўлса, ажаб эмас. Лекин, уйлаб қўрилса, Исроил халқининг ҳам сайёрамиздаги бошқа миллат ва халқлар қатори ўз давлатига эга бўлишга ҳуқуқи борлиги шубҳасиздир. Бирок, бошқаларнинг бахтсизлигида эришилган бахт татирмикан? Араблар билан яхши қўшинлар бўлиб яшаш йўлини тутиш, бунинг учун уларнинг

ХОРИЖЛИКЛАР ҚЎЛБЎСИ

- Бир одам танишига дебди: — Аёллар жуда галати-да! Қачон тўйга бўлаганини эди сақлашди. Биз эркаклар бўлса унутиб юборамиз.
- Шунга бўстим! Масалан, сен балиқчисан, дейди. Дарёдан ушлаган энг катта балиқини унутмаганим?
- Йўқ, албатта!
- У балиқ эса аллақачон унутиб юборган.
- Бир киши мевалар дўконидан банан сотиб олади. Унинг нўстени арчиб, чўнтағидоги шакардан бананга сепади. Кейин бир тишлаб, бананини отиб юборди.
- Бу ҳолатни томоша қилиб турган тонуеч қайрон бўлиб сўради: — Бананини нега отиб юбордингиз?
- Бахриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади

АМЕРИКАГА ЙЎЛ

Рости, Моҳиранинг имтиҳонлардан ўтиб кетишига унча ишонгим йўқ эди. Истеълодига, билимига кўчқуратига ишонардим, аммо «таниш-билишчиликнинг метин қозларини» ериб ўттиш дарғумон туюларди. Бир томонда пойтахтнинг казо-казолари фарзандлари юз бир имкониятлардан бекама-кўст фойдаланиб, имтиҳонга тайёр турганда, иккинчи томонда фарғоналик хайдовчи Раҳимжон билан ҳамшира Азизахон Қурбонваларнинг Моҳиран...

Она-бола Ташкентнинг Мирободини топиб келгунларича



кўпки... Энг муҳими, Қўшма Штатларнинг барча ҳудудларида тўланган энг иқтидорли ўқувчилар (уларнинг қаторида ўзим борлигимга — олис фарғоналик ўзбек қизи борлигига ишонмасдим) Оқ уйга тўланди. АҚШ Президенти Билл Клинтон бизларга ўқинида, ҳаётда ҳамшира омад ва бахт ёр бўлишини тилаганда севинчдан кўзларимдан ёш оқди.

Маҳфуза УСМОНОВА, Фарғона.

СУРАТДА: (чапдан) қозғистонлик Бутақўз, Моҳира, Зарина, Тоҳир, грузиялик Давид ва озарбойжонлик Саид.

ри» асарида ўз ечимини топган. Бу асарда маънавий қадриятларнинг ва миллий ўз-ўзини англашнинг қайтадан тикланиши замонавий демократик жамият қадриятлари билан уйғунлаштириши бизнинг келажакдаги даражасини кафолати ва жамиятнинг дунё ҳамжамиятига кириб боришининг биринчи даражаси омили сифатида таҳлил қилинган.

Ўзбекистон чуқур демократик ўзгаришлар сари юз тўтмақда. Бизнинг демократия сари йўл тутганлигимиз маърифатпарварлигимизни кимдир исботлаш ва бошқалар бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эришиш учун қилаётганимиз йўқ. Демократия ўзида биз интилаётган қадриятларни мустақамлаштиришни учун, у бизнинг миллий манфаатларимизга жавоб берганлиги учун биз ана шу йўлдан бормоқдамиз. Лекин вақт тақозосидан ўзиб кетмасликка, воқеаларни тезлатмасликка шарқона босқичлик билан ҳаракат қилмалик, чунки агар фуқароларга

ВА МАЪНАВИЯТ

ҳаёт шароитлари кафолатланмаса, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қуруқ ва хавфли сўзларга айлиниб қолади. Бизнинг шioriимиз: «Янги уй қурмай туриб — эскисини бузма».

Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги мустақамлангани сари мамлакатда демократик эркинликларга талаб кўчайиб бораётди. Бизнинг бугунги вазифамиз — фуқароларда сиёсий фаоллигимиз маданий қўринишида бўлиши учун шароит яратиш, яъни демократия маданияти қўнималарини тарбиялашдир. Демократия, фуқароларнинг иқтисодий эркинликлари ўсиб борган сари, жамиятнинг қарийдан табиий равишда ўсиб чиқиши керак. Бунинг учун эса жамият иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятнинг зарур даражасига эришиш керак.

Халқ томонидан сайланган вакиллар қабул қилинган қонунлар фуқаролар томонидан бажарилмаган, ҳукумат қарорлари инкор этилган жойда демократия пайдо бўлиши мумкин эмас. Қонунга итоатўй, ҳуқуқий маданият — демократик ислохотлар муваффақиятининг гаровидир.

Қаерда фуқароларнинг сиёсий фаоллиги паст бўлса, уш ерда демократия бўлмайди. Фуқароларнинг сиёсий ҳаётдаги иштироки ўзини-ўзи идора қилиш тизимига, демократияга ўттишини асоси бўлиб ҳисобланади. Бизга кўпгина кўникиб қолган андозалардан воз кечишимизга тўғри келади. Собик иттифоқ барбод бўлаётган даврда демократияни тушуниш одамларнинг онгида партия номенклатураси яққоқчилиги, зўравонлик ва ўзбосишчилардан қўтилишининггина чораси бўлиб ўрнашиб қолган эди. Бу воқеалар ўз вақтида бўлиб ўтди. Бирок ҳозирги кунда демократиянинг яратувчилик имкониятлари, унинг иқтисодий асослари ҳақида ўйлаб қўришимиз керак. Ахир биз демократик институтларни вужудга келтиришга қиришаётганимизда жамиятдаги қайси қучларга таянишимиз ва уларни аниқ белгиллашимиз жуда муҳимдир. Бундай машаққатли ишни бажаришда жамият, ҳуқуқий демократик институтларни ташкил этишга алоҳида умид бағишлайдим.

Конституцияимизни диққат билан ўқилганда жуда кўп саволларга жавоб топиш мумкин. Бизнинг Конституцияимиз, кўпчилик демократик давлатларнинг тантанавор Конс-

Ҳуқуқий тафаккур

титацияларидан фарқли ўларок, қатъий давлатшунослик тизимига, сиёсий ва ҳуқуқий тушунчаларга эга бўлиб, иқтисодий жиҳатдан йўналтирилган бозор муносабатлари ва замонавий ҳуқуқий давлат қуриш ва ривожлантиришнинг ишончли шарт-шароитларини яратди.

Ўзбекистон миллий давлатчилиги умумий қўриниши Асосий Қонуннинг биринчи моддасидек аниқ белгилаб берилган. Унда қуйидаги сўзлар ёзилган: «Ўзбекистон — суверен демократик республика». Конституция инсон ҳуқуқларини демократик изчиллик билан мустақамлади. Уларнинг тартиби сезиларли равишда қонуний йўл билан эришилган ҳусусий мулкчиликка, мерос қолдириш ҳуқуқи, ўзи истаган мулкка эга бўлиш ҳуқуқлари ҳисобига кенгайтирилган.

Республика Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишининг кафолатидир (Конституциянинг 93-моддаси).

Мамлакатда демократик асосларни босқичма-босқич мустақамлаиб бориши инсон, товар ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини хийма қилади.

Суд тизими фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳам яратилди. Чет эллик эксперт-мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичидан биринчи бўлиб маърифатпарвар мустақил суд ҳокимиятининг конституциявий асосларини яратди.

Конституция ҳозирги замон президентлик бошқаруви шаклига ўтилганлигини қонуний расмийлаштириб берди.

Маъзур фактларга сержулоҳазалик билан қаралса: мамлакатимиз тарихида биринчи марта демократик ўзгаришлар йўлидан бориш, озод тенг ҳуқуқли жамият қуриш, таррақийёт йўлидан юриш ёки аввалгидек ўмиш ва келажак исканжақида ўралашиб қолиш йўлини танлаб олиш имконияти берилди. Халқ аниқ қилиб жамиятимизнинг олға ҳаракатига «ха» деб жавоб берди. Бу билан у ўзининг хоҳиши — иродасини билдирди.

Шунинг учун ҳам бугун биз қомил ишонч билан таъкидлашимиз мумкин:

биринчидан, ҳамма давлат ва жамоат бирлашмалари, парламент ва ҳукумат, сиёсий партиялар ва ноҳукумат ташкилотлар, диний бирлашмалар Конституцияга ва қонунларга амал қилишлари шарт;

иккинчидан, барча амалдор шахслар, ҳар бир давлат хизматчиси Конституцияга ва қонунларнинг бандларини оғишмай бажаришга мажбурлар;

учинчидан, Ўзбекистон фуқароларининг ҳар бири асосий Қонун ва ўз мамлакат қонунларини сўзсиз бажариши ва ҳурмат қилишлари лозим;

тўртинчидан, барча Ўзбекистонда яшовчилар ва унинг меҳмонлари Конституцияга ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига амал қилишга мажбурдирлар;

бешинчидан, қонунга итоатўйлик мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун ички эътиқодга айлиниши шарт;

олтинчидан, юксак ҳуқуқий маданият соҳиби бўлишлик — демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамият қуришининг гаровидир.

У. ТОЖИХОНОВ, А. САИДОВ, юридик фанлари докторлари, профессорлар.

фар) давлатларини ташкил этиш, Қуддус ва Бобул шаҳарларини БМТнинг Васийлик кенгаши томонидан идора этувчи алоҳида маъмурий ҳудудлар, деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилганида, унинг муралифлари ва унга овоз берганлар ниҳоят бу жабрдийда заминда осойишталик қарор топади, бир-бирлари билан ёқалашиб юрган халқлар тинч ҳаётга қайтадилар, деб ўйлаган, яхши ниятлар қилган бўлишлари мумкин. Лекин, тарих бунинг, афсуски, акси бўлиб чиққанидан гувоҳлик бермоқда.

БМТ қароридан норози бўлган араблар, уни тан олмадилар. 1948 йил 14 майда Исроил давлати тузилгани эълон қилинганда, Миср, Сурия, Ливия ва Иордания фаластинликларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қурол кучи билан ҳийма қилишга отландилар. Бу урушдан ким нимани кутганини билмадикми, аммо унинг оқибатида Фаластин давлати юзага келмади, аксинча, унинг ҳудуди бўлиб олинди: Исроил яна 6,6 минг кв. км ерни босиб олди, Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги ерлар Иордания, Ғазо сектори Миср ихтиёрига ўтди. 1956, 1967, 1973, 1982 йиллар урушларида араблар устунликка эриша олмадилар, Тель-Авив эса, ўз ҳудудларини 27,8 минг кв. километрга чна кенгайттирди. Асосан қушнинг араб давлатларида бошпана топан фаластинликлар ўз ташкилотлари (шу жумладан қуролли тудаларини) тузиб, миллий озодлик курашини авж олдириб юбордилар. Исроил босиб олган ерларда яшовчилар босқинчиларга қарши курашининг иқтисодий, сиёсий ва бошқа шакллари

Мени иқтидорли ҳисоблайди. Келаси яқинбага Хуло ҳоҳдаса, Вашингтонга кетялман. Уч минг ўқувчи ўқийдиган мактабдан 11 ўқувчи кетялман. (Америкада 1-синфлар алоҳида, 2-, 3- ва ҳоказо синфларалоҳида мактабда ўқиркан). 8 кун мобайнида Вашингтонни томоша қилиш. Насиб бўлса, Билл Клинтон билан учрашамиз.

Шанба дам олиш кунини олам ҳаммамизни роликда учгани олиб борди. Рангли мусиқа, қўшиқлар ролик майдонини жонлантириб юборди. Кечтага ролик учини ўрганб олдим...

... Укаларимни яқинбага мактабига ташлаб, ота-она билан мағзинга бордик. Мағзинда нима десангиз: бор ширинликлар, консервалар, мевалар, узум, анор, олма, қовун, тарвуз, болдринг, қулпнай, анжир... ишқилиб йўқ нарсанинг ўзи йўқ, ҳаммаси тоза, янги, сара... Гўш сержиси энг катта, гавжум совуқ, Шанба, яқинбага — дам олиш кунларини оқиб қилганимизда гўштининг ҳаммасини ишлатганимиз тўғри келмади. Лекин бу жуда кўп, ишлатмасам, ташлаб юбориш керак. Кеча онам мексикача «инжилдо» пиширди, жуда маззали.

... Испан тили ўқитувчим мени ўта талантли ҳисоблаб, қўшмача дарслар беришти. Ҳозирча ҳамма дарслардан иккита «4» бор, қолгани «5». Худода шукур! Мактабимизнинг мента жуда ёққан шундаки, ҳар кун дарс жадваллари, дарс вақти ўзариб турарди. Турли-туман кечалар ўтазилди. Душанбе кунини эгизаклар қул деб эълон қилинса, ҳамма ўзига ўхшаб шерик топди, у билан бир хил қийиниб келади. Жума кунини тескари кун бўлади, қўшлар бул болалек, ўғил болалар қизларда қийин қийишади. Айниқса, ўғил болаларнинг бўйни, парик қийиб, қалта қуйлак, пошналар тўғлиб, сирғаларини сижқилиб, нозаниб юршиларини қўриб, қотиб-қотиб қуддик. «Рангли кунда ҳамма масхарабола ўхшаб қийиниб келади. Кеча «Юдулар кечаси» муносабати билан дарс ўтмадик. Кечанда ҳамма қизлар зўр қийиниб келиши керак, энг чиройли қиз кечанинг юлдузи бўлади. Дарс бўлмаган кунини ўқитувчилар ўзлари синфда ўйин уюштириб, ҳар хил томошалар қўрсатишади.

Вақтим борида шерь ёзишга ҳаракат қиялман, балки, ондунгидай яхши эмасдир (Моҳира чиройли фалсафий шерьлар ёзган), айрим сўзлар устида соатлаб бош қотириб ишлагна тўғри келди. «Согинган Моҳирангиз. АҚШ, АРКАНЗАС ШТАТИ, ЛИТЛ РОК ШАҲРИ».

... Яқинда Моҳирандан яна кафдлеккина хат келди. «Ва ниҳоят, Абу Райҳон Беруний бобом кашф этган Американинг пойтахти — Вашингтонинг ҳам қўрди. Таасуротлар шу қадар

Зимбабве бинокорлиги намунаси

ТАЖИБА УСТУН КЕЛДИ

Наманганда давом этган «Буёк ипак йули» — «Истикбол» турнири ҳам якунланди. «Дустлик» теннис уйингоҳи бир ҳафта мобайнида гавжумлашиб ту, ди. Ун икки мамлакатдан келган моҳир теннисчилар ўзаро баҳслашдилар. Улар орасида Темир Хонкужаев, Абдуҳамид Маҳкамов, Вадим Куценко, Дмитрий Томашевич, Антон Кокурин сингари ёшларимиз борлиги муҳлисларда умидворлик уйғотди. Ярим финал баҳсларида япониялик Мотамура исроиллик Оферсалманд устун келди. Теннисчимиз Куценко Россия спортчиси Столяровни мағлубиятга учратди. Финалда

эса Мотамура билан Куценко майдонга тушиди. Қизгин баҳсда япон теннисчисининг тажрибаси устун келиб, 6:4, 7:5 ҳисобида ғалаба қозонди.

ХУДДИ КЕЛИШГАНДАЙ

Олий табақа футбол жамоаларининг мамлакат миллий чемпионати 8-тур уйинлари қизиқарли бўлди. Дарвозаларга жами 34 та тўп киритилди. Қизиги шундаки, саккизта учрашувнинг тенг ярами худди келишгандек бир хил — 2:2 ҳисобида тугади. Хусусан, пахтакорчилар билан тракторсозлар, «Дустлик» билан фарғоналиклар, «Зарафшон» уйинчилари билан «Сурхон» футболчилари ҳамда «Металлург» ва «Хоразм» жамоалари учрашувида дарвозаларга

иккитадан тўп киритилди. «Косонсой» — «Сўғдиёна» уйинида меҳмонларнинг 3:1 ҳисобида ғалаба қозониши жаззаклиларни 18 та очко билан учинчи ўринга кўтарилишлари имкон берди. Навбахорчилар ҳамон пешқадамликка даъвогар. Улар ўз майдонларида «Бухоро» жамоасини қабул (2:1) қилишти. «Насаф» футболчилари ҳам ўзларини ўнглашмоқда. Қаршиликларнинг «Андижон» жамоасидан устун (4:1) келишлари мавқеларини икки поғона юқорилаб олишларига йўл очди. МХСК футболчилари эса ўйиндан ўйинга омадсизлик «ботқоғига» ботишмоқда. Армиячилар бу сафар «Темирийўл»ни қабул қилиб, 2:4 ҳисобида енгилшти. Уйинлар жадвалини эса пахтакорчилар 19 та, «Навбахор»

Спорт

билан «Сўғдиёна» 18 тадан очко билан бошқаришмоқда.

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Осиё кубоклари учун жамоалар ўртасида қуръа ташланди. Унга қўра «Нефчи» дастлабки учрашувни 4 сентябрда Душанбенинг «Вахш» жамоаси майдонида ўтказиб, 18 сентябрда Фарғонада тақрорий ўйин ўтказадиган бўлди. Осиё кубоги эгалари учун баҳсда иштирок этадиган пахтакорчилар эса 4 сентябрда сафарда «Хўжай» футболчилари билан ўрашиб, 18 сентябрда тақрор ўйин ўтказишади.

РОҲАТБАХШ НЕЪМАТЛАР

Шундай меҳнат қилсангки, рохати ҳамма бирдек баҳам курс. Шундай неъматлар яратсангки, ундан бебахра қолганлар армонда бўлсалар, тезроқ баҳраманд юршлар ошқисалар. Сунг, отанга балли, десалар... Бир қозондан овқат ейиш, бир булоқдан сув ичишга мушарраф булганлар ўз-ўзидан бир оилага ухшаб қоладилар. Аслида ҳам шундай. Бир булоқдан сув ичганлар — битта чопонни алмашиб қийганлар кабул бошига минглаб, миллионлаб кишилар келиб-кетилиши узи бўлмайдими. Бироқ, бу неъматдан ҳамма баҳраманд бўлгиси келаверади. Демак, одамлар булоқ бошига кела ол-

Ислоҳот ва масъулият

даги «Роҳат» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Тула ҳужалик ҳисобида иш юритишга мўлжалланган ҳиссадорлик жамияти учун ўзига яраша катта имконлар яратилди. Яъни, барча цехларни замонавий ускуналар билан қайта жиҳозлаш, таъмирлаш, зарур хомашлар билан таъминлаш ишлари кўнгилдагидек йўлга қўйилди. Натижанда ишлар яна-

ундан олдинги йилларга нисбатан анчагина ўсишга эришганини қўрсатади. Азаматлар бу йил янада мўлроқ, сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариш ниятиданди. Бундай ютуқларга эришишда пиво қўйиш цехи бошлиғи Мирсиддиқ Шоҳқов, соловчилар Султон Шомуродов, Муҳиддин Асомов, машинистлар Зулайҳо Қурлобоева, Бибиғул Тошиқова, назоратчи Турдигул Сайфуллаева, усталар Аҳмад Фатхуллоев, Баҳодир Усмоновларнинг алоҳида жонбош қўрсатувларини таъкидлаш жоиз. Пиво қўйиш цехида соатига 12 минг дона шиша идишларга ичимлик қўйётган механизм ишини кузатиш. Харидорлар талабига қўра бу ерда олти хилдаги сифатли пиволар ишлаб чиқарилаётган. Дарвоқе, ичимликлар ичида энг харидорлари ҳисобланмиш пивонинг нархи ҳам унчалик қиммат эмас. Бир шиша пивонинг нархи ўртача 14 сумдан экан. Шунингдек, маъданли сувларнинг бир шишаси ўртача 4 сум 72 тишин, болалар ичимликлари ва бошқа ширин, ҳузурбахш ичимликлар нархи 9 сумдан ошмас экан.

Чанқовбосди ичимликларга ҳамisha талаб катта. Буни яхши тушуниган «Роҳат» ҳиссадорлик жамияти жамоаси айни кезларда 10 хил турдаги оромбахш ичимликлар ишлаб чиқаришмоқда. Булардан «Райхон», «Тошкент», «Лимон», «Тарангум», шунингдек, болалар учун

Бош муҳаррир Азим СУЮН

- Таҳрир хайъати
- Абдулла ОРИПОВ
 - Абдулҳафиз АЗИЗОВ
 - Азиз НОСИРОВ
 - Одильжон ОЛИМЖОНОВ
 - Ислом ШОҶОУЛОМОВ
 - Салим АШУРОВ
 - (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
 - Норбобо ШАКАРОВ
 - (бош муҳаррир ўринбосари)
 - Андрей ОРЛОВ
 - (бош муҳаррир ўринбосари)
 - «Голос Узбекистана»
 - Алимулло СУЛТОНОВ
 - (масъул котиб — «Узбекистон овози»)
 - Валерий ЛАВАРЕШНИХ
 - (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БУЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия хайъти — 133-76-04, 136-33-40.

Парламент фаолияти ва кукук — 133-07-20, 136-54-35.

Иттиҳодият — 133-21-43, 136-57-22.

Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.

Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.

Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.

Халқаро хабар — 133-20-36.

Санъат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.

Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.

факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИПОЛ ПИВОХАТ:

Андижонда — 25-16-16;

Бухорода — 23-51-40;

Гулистонда — 25-16-22;

Жиззахда — 3-29-44;

Навоийда — 3-39-20;

Наманганда — 6-43-43;

Нукусда — 7-58-83;

Самарқандда — 35-20-54;

Тошкентда — 133-76-04;

Урганчда — 6-51-35;

Фарғонада — 24-54-61;

Қаршида — 3-25-79;

Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КҲАСИ. 32-УП.

«Шарқ» нашриёт-матбуот кўрсаткичи Босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ислом ҲАМРО, навбатчи Юсуф ЖУРАЕВ.

Рўйхатдан ўттиш тартиб №00120

Газета офсет усулида, А-2 форматда, 28061 нускада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Узбекистон овози» материалларини кўриб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 03

Босишга топшириш вақти—21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИМ НАРХДА

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Vatanni sevmak iymondandur!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 5 май, сешанба № 53 (22.290).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бoshлаган

Халқимиз орасида минг-минг йиллардан буён: «Ё заринг, ё зуринг бўлса юзага чиқсан» деган гап юради. Бу гапни инкор этмаган ҳолда баъзан зар, баъзан зўрага бас кела оладиган яна бир имкон борлиги ҳам аён — меҳнат, меҳнатсеварликдир бу.

Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида ўттиз йилдан зиёд ишлаётган Назми опа Фозиловага ана шу «меҳнатсевар» деган сифат тақдирдан исми билан бирга ато этилгандай, назаримда. «Менга меҳнат дафтарчаси очилганда ун тўрт ёшда эдим, дадам бевақт қазо қилганлигидан, рўзгор ташиши онам елкасига тушди. Саккиз ука-синглининг тўнғичи булганим учун онаминг ўнига кирай деб кутубхонага ишга кириб, кечкида ўқий бошладим», — дейди Назми опа. Мактабни тугатганга, университетнинг филология факультетида ҳам кечки бўлимда ўқиган. Нашриётга талабалик даврида келган — шу-шу ҳали-хануз китоблар орасида.

Мен нашриётнинг шеърият бўлимига Назми опанинг ўрнига келганман. У киши ушанда тугурок таътилига кетаётган экан. Одатда, кўпчиликда «Мендан бошқа бу ишни биров уйдалай олмайдми», деган ҳолат бўлади ва ишнинг кимгадир топширишга уша кайфиятини билдирди. Назми опам, аксинча, менга: «Э, сиз бу шкаф-

шкаф кўлғамалардан қўрқманг, бирпасда урганиб кетасиз, жуда осон, бир тилига тушуниб олсангиз, бас, уйнаб-уйнаб ишлайсиз» деган ва бир неча ҳафта давомида менга иш ургатиш учун атайлаб келиб-кейтиб юрган. Назми опам шунча йиллар аъло даражада уйдалаб келаётган иш аслида енгил-елпи эмас, ута жиддийдир. Кўлғамаларни қабул қилиш, тақриз қилдириш, салбий тақриз олган кўлғамаларни эгасининг дилини огритмай (ахир эга-



Назми опа Фозилова

ШЕЪРИЯТДА ЯШАЁТГАН АЁЛ

си шоир-да, кўнгил киши-си) қайтариб бериш, ижобийларини ишга тушириш, то ҳарф терилиб босма-хонадан келишидан китоб бўлиб чиққунча буладиган барча жараёнларни назорат қилиш. Бунинг устига китобни безаш, муаллифга ҳақ тўлаш, адабий назорат билан муомала қилиш... Мен бир ярим йил бу ишларни жуда қийнаб уйдалаганман. «Бу битта одамнинг иши эмас» деб кун аро гапирар эдим. Аммо Назми опанинг (мен у кишини йигирма йилдан буён биламан) бирор марта: «Ух, иш жонимга теги» в «иши қўрсин» деган шикоятларини эшитмаганман.

Мен Назми опамдан бирга ишлаган даврла-

дай тўлдирилади, энди кўлғамани кимга олиб бораман?» дегувчилар яна ҳам кўпайган. Чунки Назми опа ноширликнинг барча жараёнларини жуда яхши биладилар. Халқимиз маънавият ҳазинасига дуру гаваҳар бўлиб қўшилган не-не китобларга Назми опанинг кўз нурулари тукилган, кўл ҳароратлари ўтган.

...Назми опам фақат дўстлар, издошлар орасида эмас, уйда — яқинларига ҳам шундай жигаржон. Бугун у киши елка тутиб, пиллавога бўлиб баландга кутарган ука-сингиллари ҳаётда уз ўрнини топиб кетишди. Назми опам ҳам турмуш ўртоғи — курувчи Борий ака билан уйиллари Козимбек, қизлари Камолахон, Зейдахонларнинг камолини қуриб юришибди. Назми опанинг уйларида жуда бой кутубхона бор. Деярли барчасини ёзувчи, устозим Зулфия опадан тортиб Шуҳрат домла, Шукурullo, Одил Ёқубов асарлари, Уткир Ҳошимов, Абдулла Орипов, Машраб Бобоев, энг ёш шоир носирларга Назми опамга миннатдорчилик ёзувлари бор бу китобларда. ...Бугун Назми Фозилова яна бир яхши ёшга кирибди, шеърият, китоб, кўнгил одамлари ичра кечаётган умри яна бир бекатга етибди. Биз ҳам тақдир сийлов қилажак ҳаётининг барча бекатларида Назми опанинг шундай қилишига, мудом ҳавасимиз, эъзозимизда бўлишига ишонамиз.

Кутуббека РАҲИМБОВА СУРАТДА: Назми ФОЗИЛОВА ўнда.

масалар, унинг шифобахш сувидан барчани баҳраманд қилиш йўлини топиш зарур. Чорак асрча бурун Тошкентнинг кунчиқар тарафидаги Салор Қургони ҳудудида худди шундай бўлди. Аввалига пайдо булган булоқ кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб этди. Суви бошқа булоқларникидан анча фарқ қиларди. Бошқа булоқлар суви муздай бўлса, ундан қайнагандек маъданли сув чиқарди. Мутахассислар обдан урганишсаки, чиндан ҳам шифобахш маъданли сув! Таркибида жуда бойдалар моддалар талаягина...

Табиат ато этган бу неъмат — Тошкент суви номи билан овоза бўлди-кетди. Тошкентнинг сувини ичган чўмчүк Маккатиллодан ҳам қайтиб келармиш, қабилидаги гаплар пайдо бўлди. Чиндан ҳам бу шифобахш сувдан бир бора баҳраманд булганлар дуненинг у бошидан ҳам қайтиб келса келгүли эди-да.

Уша кезлардаёқ маҳсул комбинат бунёд этилди. Нақ 14,5 гектар майдонда қад ростлаган комбинатда маъданли сувга озми-кўпми қайта ишлов берилиб, турли лаззатли ичимликлар ишлаб чиқарила бошланди. Ҳар кун турнактор машиналарга юкланган минглаб шиша идишларда «Тошкент суви» ва бошқа турли ширин, оромбахш ичимликлар вилотларга, шаҳару қишлоқларга жунатила бошланди. Қарабизки, оби-замзам мисол маъданли сувдан баҳраманд бўлмаганлар қолмади ҳисоби.

Ушадан буён юртимиздаги бирор хонанд йўқки, бу булоқ сувидан бебахра қолган бўлса. Тўй-ю маъракалар, байрам дастурхонлари ҳамма қириб йиқилди билан файзли. Шу аснода Қибрай номи ҳам машҳур бўлиб кетди. Негаки, кўп йиллар корхона номи — «Қибрай яхши ичимликлар комбинати» деб юритилган. Шиша идишлар врилгига ҳам корхона номи албатта эзиларди. Шу тарихи Қибрай туманида тайёрланадиган ичимликлар қанчалик «машҳур» бўлса, жой номи ҳам оммалашиб кетаверди. Ҳозирча мамлакатимизнинг турли бурчаларида истикомат қилувчилар Қибрай номи эшитганларидек у ерда тайёрланадиган оромбахш ичимликлар ҳақда эслаб қолшлари бежиз эмас.

Комбинатда ишлаб чиқариладиган энг истеъмолбоп ичимликлардан бири— пиво. «Қибрай» пиво-сини билмаган пивохўр топилмас керак. Бу ичимликка талабгорлар кам эмасда. Демак, пиво ва бошқа ичимликлар сифатини янада яхшилаш, таъбир жой бўлса, рақобатбардор маҳсулотга айлантириш зарур. Бу эса, ўз-ўзидан буладиган иш эмас...

да юришиб кетди. Айни пайтда комбинатда 20 минг тонна дон (арпа) сақлашга ихтисослаштирилган маҳсулоти буювди. Унда донни сақлаш билан бир қаторда босқичма-босқич ундириш ҳам мумкин. Бинобарин, бу ерда ҳар йили ўртача 10100 тоннадан ортқ сифатли арпа ундирилади ва қайта ишланиб, пиво тайёрланади.

— Пивони хуш курувчилар баъзан Бовария ичимликларини ҳам мактаб қолшлари босиш нимада? — Қизқинчибу сураимиз боз муҳандис Уткир Икромовдан. — Узимизда ундан ҳам яхшироқ пиволар чиқаришга имкон борми?

— Албатта, — дейди сўхбатдошим. — Келгусида биз уша Боварияникидан бирнеча чандон хуштаём, сифатли пиволар ишлаб чиқаришга ва истеъмолчи-ларимизни хушнуд этишга муваффақ бўлишим. Бунинг учун бор-йўғи иккита нарса керак: сифатли хомашё, яъни, ҳайқий яхши навли арпа ва замонавий технология. Еримиз бениҳоя унумдор. Арпанинг исталган навиини ундириш мумкин. Бизга далами ерлардагидан қўра серуворқ майдонларда етиштирилган арпапар зарур. Ва, бунга эришишимиз унчалик муаммо бўлмас керак. Иккинчиси, замонавий технология масаласи. Уйлаيمانки, ҳадемай илгор мамлакатларнинг мутахассислари билан ҳамкорликни йўлга қўйишимиз бу муаммоларни ҳам ҳал этиши шубҳасиз. Қарабизки, пивохўрлар учун ўзимизнинг пиводан эври бўлмай қолса ажабмас!

Боз муҳандиснинг айтиганича бор. Ҳозирча ҳам комбинатда жиддий иланишлар, ўзига хос «кашфиёт»лар давом этаётган. Сунгги йилларда айнан пивонинг бирнеча янги турлари синиловлар муваффақиятли ўтди. Маҳамджон Ортиқов, Равшан Шамшиев, Шокир Комилов, Райхон Желиқбоева, Мағдула Ҳожимуродова, Ҳикмат Нигматов каби тажрибали мутахассислар яратишган янги турдаги пиволар кўлаб микдорда ишлаб чиқарилаётган. Ундан йили биргина пивонинг ўзидан 3 миллион 833 минг дал (бир дал — 10 литрга тенг улнов бирлиги) микдорда ишлаб чиқарилиши қўвончли ҳолдир. Бу,



Комбинатда ишлаб чиқариладиган пиво

ширин ичимликларни савдо дўконларида туриб қолмайди. Голландиянинг машҳур «Вест» фирмаси маҳсулоти ҳисобланган «Фенсифафтоли», «Фенс-Киви», «Фенс-Кол» ичимликлари ҳам тегишли шартномалар асосида рисоладагидек ишлаб чиқарилаётган. Шунингдек, бу йилдан бошлаб ишлаб чиқарилаётган «Хумоил-Киви», «Хумоил-Кофе-Ромли» ҳам алкоғоли ичимликлар ҳам истеъмолчилар томонидан хушнудлик билан кўтиб олинмоқда.

— Уттан йили 1 миллиард 27 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдик, — дейди ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Хурматилла Тошпулатов. — Бу йил эса ундан ҳам юқориқўр қўрсаткичларга эришиш ниятидандим. Мақсадимиз, элимиз дастурхонларини янада файзли қилиш, меҳнат-кашларимизнинг чанқовбосди ичимликларига булган талаб-эҳтиёжларини қондиришдир.

Шунга яраша зарур база яратилган. Меҳнатни ташкил этишга жиддий эътибор берилгандир. Айрим цехларда иш бирнеча маҳнад давом этади. Даромадга яраша буромад, деганларидек, меҳнаткашларга қўлай шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Тўлқин ЭШБЕК, «Узбекистон овози» муҳбири

«ЎЗИМИЗНИНГ НАЗМИ»

Эсимда, Тошкент дорилфунунининг талабалари эдик. Кундузи ишлаб, кечкурун ўқирдик. Гарчи, Назми биздан 2 курс баланд ўқиса ҳам, курусимиздаги қатор талабалар билан иноқ эди. Ҳар ким турли жойда ишларди. Масалан, мен хайбловчи эдим. Бир-иккита қизимиз кутирчоқ фабрикасида ишларди. Айрим йигитларимиз қурилишда ишлаб, талабалар шаҳарчасини обод қилишга ҳисса қўшарди. Назми эса Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир эди.

Даврларда ҳар доим шоир ва ёзувчиларнинг янги ёзилган шеърлари, ҳикоялари, қиссалари муҳокама этиларди. Муҳокамаларнинг фаол иштирокчиси, албатта, Назми эди. Чунки Назми янги босилган ёки босилаётган асарларини

кўлғамаларда ўқирди. Ҳатто, китобни қўлга олиб, мана бу шеърнинг ушбу сатрлари бошқача эди — утмади, шоирга минг тавалло қилиб, ўзгартирдик, — дер эди бизга.

У Миртемир домла, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи ҳақида ҳаяжонланиб сузларди. Ҳозир уйлаб кўрсам, уша гуруҳини бир-бирига боғлаб турган нарса, аввало, адабиёт бўлса, иккинчидан адабиёт ҳақида, ижодкорлар ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилувчи Назми экан.

Назми ўзига хос адабиёт тарғибчиси эди. У бугун ҳам ана шу қўлгўл вазифадда. Адабиётимизда Назми каби филолий тарғибчилар нақадар кам... Эллик ешпигиз муборак, дўстим.

Ёқубжон ХҲЖАМБЕРДИЕВ

ҚИМ БҲУМОҚЧИМИЗ?

Бу касб нимаси билан сизни руҳлантиради, унинг роҳати машаққатини қандай ҳис қиласиз? Шу касб сизга обрў, шухрат, энг асосийси, иқтидорингиз учун имкон бўлишига ишонасизми? Танлаган касбингиз билан халққа, юртта нималар бера олингиз мумкин, қандай қилиб? Ушбу саволларга тайёр булган, 25 ёшдан ошмаган барча истеълод соҳибларини «КАСБИМ — ФАХРИМ» («Истеълоднинг касб танлашдаги ўйлари») Республика ижодий иншо кўрик-танловига

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Иншо ҳажми кўлғамалар 6 бетдан ошмаслиги, муаллиф иншо билан бирга ўз истеълодини қўрсатувчи асарлари (шеър, ҳикоя, достон, тасвирий санъат, меъморчилик, ҳайкалтарошлик асари, ихтиролар, рационализаторлик таклифлари)дан ҳам намуналар юбориши шарт.

Ўзбекистон Республикаси истеълодли ёшларни қўлаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсул таълим вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти ҳамкорлигида ташкил қилинган бу кўрик - танловдан мақсад -- ёш истеълодларни аниқлаш, уларга ўз имкониятларига мос касбни танлашлари, орзу-умидларини рўёбга чиқаришларида кўмаклашиш, истеълодли ёшларга оид маълумотлар банкни шакллантиришдир.

Танлов ғолиблари Улуғбек жамғармасининг Фахрий ёриқлари ва биринчи ўрин учун — 20 минг сўм, иккинчи ўрин учун — 15 минг сўм, учинчи ўрин учун — 12 минг сўм пул мукофотлари билан тақдирланадилар ҳамда Улуғбек жамғармаси ва Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда Янги йил арафасида махсул ташкил этиладиган қўрсатувга таклиф қилинадилар. Энг яхши иншолар, саволларга жавоблар «Ўзбекистон овози» газетасида эълон қилинади. Шунингдек, муаллифнинг таржимаи ҳоли билан биргаликда махсул тўлмамда чоп этилади.

Танлов хайъати иншоларингизни 30 сентябргача қутад!

Манзилмиз: Тошкент шаҳри, 700027. Фуркат кўчаси, 1-уй, 5-қават. Маълумот учун телефонлар: 45-23-48, 45-26-45, 45-96-96.

Чиноз балиқларга омухта ем тайёрлаш корхонаси юқори сифатли, дондорлаштирилган, йирик ва майда қорамоллар учун тайёрланган

ОМУХТА ЕМНИ ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА СОТАДИ

Тўлов нақд ёки олдиндан юз фоиз пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Корхона манзилгоҳи: Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз шаҳри.

Телефон: (8-259) 31 148
Факс: (8-259) 32 580

Тошкент шаҳар 4-санатория мактаб-интернат томонидан 1992 йилда Дилафруз Шербутаева Сирилева номига берилган А-100242 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Валдоб» хусусий кичик корхонаси ўз фаолиятини ТўХТАТАДИ

Даво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 46-78-65, 144-20-95 рақамли телефонлар орқали қабул қилинади.

«Луис Дрейфус Коттон Инт» компания ваколатхонаси жамоаси Ўзбекистондаги шу ваколатхона бош вакили Дилором Саматовна Расулевага отаси

АБДУСАМАТ отанинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзин билдиради.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан Дилшод Бахтиёрович Ҳожиматов номига берилган 504946 рақамли хусусий тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Луис Дрейфус Коттон Инт» компания ваколатхонаси жамоаси Ўзбекистондаги шу ваколатхона бош вакили Дилором Саматовна Расулевага отаси

АБДУСАМАТ отанинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзин билдиради.